

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Тарих йўналиши

13.437-гуруҳ битиruвчиси Абдуллаев Мухридин
Иброҳимжон ўғлининг

“Ўзбек халқинингдехқончилик ва ҳунармандчилик
 билан боғлиқ удумлари” (Фарғона водийси мисолида)

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Илмий раҳбар: тарих кафедраси
 катта ўқитувчиси С. В. Йўлдошев

ФАРГОНА - 2017

Битирув малакавий иш кафедранинг 2017 йил ___-май ___-йиғилишида
муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири _____ С.Мирсоатова

Тақризчилар: 1. С.Йўлдошев

2.3.Хатамов

Кириш.....	4-8
I.боб. Фарғона водийси аҳолиси ва хўжалик анъаналари.....	9-32
I.1. Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби ва жойлашуви.....	8-21
I.2. Хўжалик анъаналарининг шаклланиши.....	21-32
II.боб. Хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар	34-60
2.1. “Авесто” дехқончилик билан боғлиқ удумларни ўрганишда мухим манба	34-42
2.2.Дехқончилик билан боғлиқ удумлар.....	42-53
2.3.Хунармандчилик билан боғлиқ удумлар.....	53-60
Хулоса.....	61-63
Фойдаланилган манба ва адабиётлар.....	63-65

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги: Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён миллий ўзликни тиклаш, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ҳақидаги ҳақиқатни қарор топтириш, тарихий, миллий қадриятлар ва бойликларни унинг ҳақиқий эгасига қайтариш йўлида том маъноси билан оламшумул ишлар амалга оширилди. Ўтган даврни унинг моҳияти ва мазмунидан келиб чиқиб, ҳеч иккиланмасдан буюк ўзгаришлар даври деб аташ мумкин Ўзбекистоннинг мўртабар замини жаҳон маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ ва буюк алломаларни тарбиялаб вояга етказган муқаддас диёрdir. Республикамиз биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини хис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини хис этишлари учун, лозим бўлган ҳамма ишни қилиш бизнинг фуқаролик бурчимиздир...”¹

Буюк аждодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тикладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига даҳлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлади. Одамларда ўзликни англаш, миллий ғурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни барпо этишни ўз қўлимизга олганимиздан ғурурланиш каби туйғулар камол топаяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб боряпти. Мамлақатимиз истиқдолга эришгач, ўз тарихимизни ҳаққоний ўрганишга, ўтмишдаги аждодларимиз қолдирган бой тарихий, маданий-маънавий бойликлардан баҳраманд бўлишга кенг йўл

¹ Каримов И.А. Туркистон умуумий уйимиз. – Т., 1995. Б.20.

очилди. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбидан ўтмиши буюк халқнинг келажаги буюк бўлмоғи зарур деган туйғу барқарор бўлиб, тарихий меросимизга, бебаҳо қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳислари жўш урмоқда.

Юртимизнинг миллий истиқололига ёритиш шарофат билан ўзбек халқининг этник тарихини чуқур ўрганиш ва уни ҳаққоний, ростгўйлик асосида ёритиш ҳамда миллий қадриятларимизни тиклаш вақти келди.

Давлат Мустақиллиги қўлга киритилгандан кейинги ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов раҳбарлигига олиб борилган ички ва ташқи сиёсат бугунги кунга келиб тўғри, халқчил сиёсат эканлиги кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Шу ўринда алоҳида таҳқидлаш жоизки, мамлакатда олиб борилаётган миллий-этник сиёсат ҳам Ўзбекистон худудида истиқомат қилаётган юздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг манфаатларига тўла мос келади. Ҳолбуки, ҳозирда олиб борилаётган ушбу милий-этник сиёсат Республика худудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, авайлаш ва ривожлантириш мақсадларига йўғрилганлиги билан аҳамиятлидир².

Мазкур илмий ва айни вақтда амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўрганишда этнологларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, турли этнослар ўртасидаги ўзаро этногенетик, этномаданий, хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумларни ўрганиш ва ёритиш этнологлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. -Б. 88

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Халқларнинг анъаналари масаласини ўрганишда, тадқиқотчи, биринчи навбатда, ўрганаётган халқ ҳозирда яшаб турган худудлар билан азалдан боғлиқми ёки йўқ, иккинчидан, ушбу халқнинг қадимий аждодлари тўғрисидаги қадимги битиклар, ёзма манбаларда қандай маълумотлар мавжудлиги каби саволларга аниқлик киритиб олмоғи керак. Чунки бу саволлар ҳар бир халқнинг этногенетик тарихини ташкил этади. Этногенетик жараёнлар эса жуда узок давом этадиган ижтимоий ҳодисадир. Муаммога ушбу илмий ишланма нуқтаи назаридан ёндашилса, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни жуда узок давом этган ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўзбеклар халқ бўлиб шакллангунига қадар қатор тарихий ва этномаданий жараёнларни босиб ўтганлиги аён бўлади.

Хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олувчи узлуксиз бир жараёндир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар «этномулоқот худудлар» деб номланувчи ҳудуд Фаргона водийсида бир мунча қизгин кечади. Одатда бундай ҳудудлар аҳолисининг этник турли-туманлиги шу билан бирга хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлари билан ҳам ажралиб туради.

Ушбу битириув малакавий ишни ўрганиш обьекти сифатида танлаб олинган Фаргона водийси ҳам айнан мана шундай этномулоқот ҳудуди хисобланади.

Тадқиқотдан қўзланган бош мақсад Ўрта Осиёning этномулоқот ҳудудларидан бири ҳисобланган водий аҳолисининг хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар XIX-XX асрларга оид тарихий-этнографик материаллар асосида кўрсатиб беришдан иборатdir. Бу ўринда битириув малакавий иш орқали ушбу ҳудуддаги аҳолининг хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар тавсифи билан чекланиб қолмасдан, уларнинг моҳиятини, ривожланиш йўналишларини кўрсатиб беришни ҳамда бу жараёнларга таъсир этувчи омилларни аниқлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Фарғона водийси муқаддам ҳам тарихчи олимлар учун тадқиқот объекти бўлган. Ҳолбуки, бугунга келиб Фарғона водийси аҳолисининг хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар тарихини ўрганишда катта ютуқлар қўлга киритилган.³

Ушбу битирув малакавий ишини ўрганиш обьекти сифатида танлаб олинган Фарғона водийси ҳам айнан мана шундай этномулоқот худуд ҳисобланади. Мазкур худудни текислик, тоғолди ва тоғ зоналарига ажратиш мумкин. Унинг иқлимий хусусиятлари ҳам ушбу географик жойланиш ҳолатидан келиб чиқади. Бундай ўзига хос географик ўрни, унинг табиий шароитининг қулайлиги қадимдан ушбу худудда инсонларнинг истиқомат қилиши, дехқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлиб, уни ривожлантириш имконини берган. Хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб оловчи узлуксиз бир жараёндир. Биз тадқиқотни бажариш мобайнида нафақат моддий маданият масалалари билан, балки унинг маънавий негизларига ҳам эътиборни қаратдик. Халқимизнинг маънавий қадриятлари сирасига кирувчи ушбу урф-одат ва расм-русумларни ҳам хўжалик-маданий белгиларга кўра турли кўринишларини учратдик. Мазкур урф-одат ва расм-русумлар эса ўз навбатида оилани тўкин-сочинликда ва баҳтиёр ҳаёт кечиришида хизмат қилган. Аслини олганда икки хўжалик-маданий типларга мансуб бўлган

³.Бернштам АН. Древняя Фергана. – Т., 1951., Рассудова Р.Я. Земледельческое хозяйство и местные рынки Ферганы XIX в. // Бортольдовский чтения 1976. Год третий. Тезисы докладов и сообщений. – М., 1976. С. 69., Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки, Т., Фан, 1964, его же. К этнической истории узбекского народа. Т., Фан, 1974. Жабборов И..М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., Фан. 1964. Поляков С.П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. М., МГУ, 1980. Бартольд В.З. К истории орошения Туркестана. Соч.т.З.М., 1965. Марков Г.Е.История хозяйства и материальной культуры. М. 1979; Занятие и быт народов Средней Азии, М. :Наука, 1971. Адуллаев У. С. Межэтнические процессы Ферганской долины (XIX- начало XX века).: Автореф...докт. истор. наук. –Т.,2006.- С.50., Аширов А. А. Древние религиозные верования в традиционном быту узбекского народа (по материалам Ферганской долины).:Автореф...докт. истор. наук.-Т., 2008. -С.50; Абдулахадов Н. У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята).:Автореф...канд. истор. наук.-Т., 2008. -С.30; Саримсоков А. А. Календарные обряды узбеков (на основе материалов Ферганской долины).: Автореф... канд. истор. наук. -Т., 2010. -С.26; Исоков З. С. Характерные особенности традиционного земледельческого хозяйства Ферганской долины в конце XIX начала XX века (характеристика и анализ хозяйственно-культурных традиций).:Автореф...канд. истор. наук.-Т.,2011. -С.30.

анъана ассимиляцияси, интеграцияси ва консолидациялашуви асосида урф – одатларда умумийлик ҳам шаклланган.

БМИнинг назарий-услубий асоси: Жаҳон тарихи фанида қабул қилинган ижтимоий жараёнларни ўрганишда объективлик, тарихийлик, изчиллик каби тамойиллари ташкил этади. Манбаларни ўрганиш ва уларнинг ҳақиқатга яқинлик даражасини аниқлаш жараёнида муайян тарихий шароитлар, унинг вужудга келиши, муаллифларнинг шахси, ҳужжатларнинг яратилишига туртки бўлган омиллар ҳисобга олинди. Фойдаланилган материалларнинг бошқа манбалар билан боғлиқлигини мушоҳада қилишга ва бу манбаларнинг асослилик даражасини аниқлашга алоҳида эътибор берилди. Тадқиқотнинг услубий асосини миллий мустақиллик мафкурасининг умуминсоний ва миллий қадриятлари ташкил этади.

Тадқиқот натижалари асосида айтиш мумкинки, хўжалик анъаналари кўпинча муайян этник жамоаларнинг йирик масштабдаги ўзаро муносабатлар шароитида шаклланади. Шу боис масалага чукурроқ қаралса, кўплаб маданий анъаналарни кузатиш мумкин.

Мавзу икки боб, беш бўлим, хуроса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.боб. Фарғона водийси аҳолиси ва хўжалик анъаналари

I.1. Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби ва жойлашуви

Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби анча мураккаб ва айни вактда ўзига хос кўринишга эга бўлди. Статистик материалларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Россия империясининг Туркистон ўлкасига қарашли Фарғона вилоятида яшаётган умумий аҳолининг 62,5 %ини ўзбеклар, 26,3 %ини қирғизлар ва 11,2%ини бошқа этник жамоа вакиллари, хусусан, тожиклар, уйғурлар, татарлар, қорақалпоқлар, шарқий славян халқлари, лўлилар, яхудийлар ва бошқалар ташкил этган⁴.

Худудининг асосий қисми водийда жойлашган, маъмурий жиҳатдан эса бу даврда Самарқанд вилоятига биритирилган Хўжанд уезди ҳам полиэтник қиёфага эга бўлиб, аҳолисининг 50 %га яқини тожиклар (94 304 нафар), 33 % ини ўзбеклар (61 622 нафар), 6 %дан кўпроғини эса қирғизлар (11465 нафар) ташкил этган. Бундан ташқари, ушбу жойда ҳам водийнинг ўтрок ўзбек аҳолиси, Ўрта Осиё яхудийлари, руслар ва шу каби этник уюшма вакиллари яшаганлар⁵.

Келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилаётган тарихий-этнографик ҳудуднинг асосий аҳолисини ўзбеклар ташкил қилган.

Маълумки, XX аср бошларига қадар ўзбекларнинг бир қисми ўтрок, қолган қисми эса ярим ўтрок ва ярим кўчманчи ҳолда яшаганлар. XX аср бошларига келиб, водий ўзбекларининг 828 мингдан зиёдроғи ўтрок ҳолда яшаб дехқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланганлар.

Турли уруғ-қабилавий тузилишга эга бўлган ярим ўтрок ўзбекларнинг водийдаги умумий сони ўша давр статистик маълумотларига кўра 215 минг

⁴ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 йил.-Б. 11.

⁵ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 йил.-Б. 12.

нафардан кўпроқни ташкил этган⁶. Булар ичида турк, қипчоқ, қурама, юз ва шу қабилар нафақат сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилганлар, балки ўзларини алоҳида этник жамоа сифатида тан олиш билан бирга, хўжалик ва маданиятида ҳам кўчманчи чорвадор халқларга хос кўплаб хусусиятларини сақлаб колган эдилар.

Турклар ўзбек халқи этник таркибидаги асосий қатламдан бири ҳисобланади. Улар Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси аҳолисининг шаклланиш жараёни ҳақида гап кетганда, ушбу тарихий-этнографик ҳудудга бир неча асрлар давомида турли турк, турк-мўғул қабилаларининг янги оқимлари келиб ўрнашганликларини айтиб ўтиш керак бўлади. Кўчманчи чорвадор турк, турк-мўғул қабилаларининг Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийси ҳудудига кўчиб келиб, жойлашув жараёнини икки катта босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич, бу то XV аср охири - XVI аср бошларига қадар, яъни Шайбонийхон бошлигидаги даштиқипчоқ ўзбекларини бу ҳудудга кириб келгунгача бўлган давр.

С.С. Губаева «Бобурнома» ва бошқа ёзма манбалардаги маълумотларга асосланиб ҳамда Фарғона водийсидаги топонимларни таҳлил этиб ва бу даврда водий ҳудудида яғмо, қарлук, чигил, чоғроқ, қавчин, жалоир, барлос, найман, хитой, минг, қирқ, қанғли, баҳрин, норин, тоғай, дуғлот, отарчи, аргин, каби турк, турк-мўғул қабилалари яшаганлар деб кўрсатади.⁷ Иккинчи босқич, бу даштиқипчоқ ўзбекларининг Шайбонийхон қўшинлари таркибида янги бир йирик оқимининг кириб келиши билан боғлиқ. Бу даврда юқорида номлари келтирилган уруғ-қабилаларга қондош бўлган этник уюшмалардан ташқари қўнғирот, қиёт, қатағон, кенегас, манғит, сарой, юз, қипчоқ, учурӯғ каби қабила вакиллари келиб ўрнашдилар.

Фарғона водийси ҳудудида доимий равишда турғунлашиб, маҳаллий халқлар билан этногенетик ва маданий алоқаларда бўлиб келганлар.

⁶ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 йил.-Б. 14.

⁷ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы... - С. 50-51.

Туркларга илмий адабиётларда Ўрта Осиё ҳудудига Шайбонийлардан анча аввал келиб ўрнашган турк, турк-мўғул қабилаларининг авлодлари сифатида қаралади⁸.

Ушбу этник жамоа вакилларининг асосий қисми биз кўриб ўтаётган даврга келиб турғунлашган, маҳаллий ўтроқ ўзбек аҳоли таркибига сингиб улгурган эди. Айни вақтда, уларнинг маълум қисми узок, асрлар давомида ўзининг этник жиҳатларини хўжалик ва маданиятида ўзига хослиликни сақлаб қолган ва ушбу хусусиятлари билан ён-атрофдаги бошқа этнослардан фарқланиб турар эдилар.

Ўзбек халқининг этник қатламига мансуб ушбу этнографик гурухни, яъни «турк»ларни тарихий-этнографик материаллар, хусусан дала материаллари асосида тадкиқ этган М.Ф. Гаврилов, А.К. Писарчик ва Б.Х. Кармышевалар алоҳида элат деб хисоблайдилар.⁹

Туркларнинг этник мансублиги масаласидаги бундай яхлит фикрнинг йўқлиги, айтиш мумкинки, маълум даражада аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида ҳам ўз аксини топди. Масалан, 1897 ҳамда 1926 йиллардаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирида туркларга «элат» деб қаралса, 1917 ва 1920 йиллардаги статистик маълумотларда эса улар «алоҳида қабилавий гурух» сифатида эътироф этилади. 1897 йилда «турк»ларнинг Фарғонадаги умумий сони 14 441 нафарни, 1926 йилда эса 24 279 нафарни ташкил этган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш материалларидан яна шуни кўриш мумкинки, «турк»ларнинг асосий қисми Андижон ва Фарғона вилоятларида яшаганлар. Водийдаги 24279 нафар турклардан 20063 нафари Андижон ва

⁸ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 йил.-Б. 17.

⁹ Гаврилов М.Ф. Материалы к этнографии «турк» Ура-Тюбинского района. – Т., 1929. С. 6; Писарчик А.К., Кармышева Б.Х. Опыт сплошного этнографического обследования Кульбской области // Изв. отд. общ. наук АН ТаджССР. - Сталинабад, 1953. Вып 3. С. 80.

Фарғона вилояти ҳудудида, 4216 нафари эса Ўш ва Жалолобод вилоятларида истиқомат қилганлар.¹⁰

Барча кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор ҳалқлар каби «турк»лар учун ҳам уруғ-қабилавий бўлиниш ҳарактерли бўлган. Ўрта Осиё ҳудудида туркларнинг тўртта йириқ қабиласи (яъни турк, мусабозор, калтатой ва барлослар) яшаганлар.

С.С. Губаеванинг фикрича, Фарғона водийсида туркларнинг, асосан, барлос ва калтатой уруғлари яшаганлар. Айни вақтда тадқиқотчи Фарғона водийсининг қатор қишлоқларида «турк»ларнинг майда қавмлари ҳам яшаганликларини топонимик маълумотларга асосланиб кўрсатиб ўтади. Масалан, Ўш вилоятининг Аравон тумани ҳудудида «турк»ларнинг каррак, бешкарам, кўкятлабош, чожлар, калтатўпи, супанлар, қинғирлар, сутхўр, калтатой каби майда қавмлари жойлашганлар.¹¹

Андижан вилояти туманларида ҳам «турк»ларнинг қатор майда қавмлари мавжуд бўлганлиги маълум. Марҳамат тумани ҳудудида асосан туркларнинг барлос уруғига тегишли туркитуғён, сутхўр, япалоқбош, супанпик, ёртонлар, кистакўз, мирзалар, папаватўпи каби майда қавмлари қайд этилган.

Хўжаобод тумани ҳудудида С.С Губаеванинг фикрича, туркларнинг асосан барлос уруғи яшаган. Ушбу тадқиқотчи томонидан бу ерда кувакалмақ, супанлик, япалоқбош, кистакўз сингари туркларнинг майда қавмлари яшаганлиги аниқланган. Яна туркларнинг бу каби майда бўлинмалари водийнинг Кұва, Кувасой, Охунбобоев туманлари ҳудудида яшаганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Маълумки, «турк»ларнинг катта бир гуруҳи Хўжанд шаҳри теварагида жойлашган Ўратепада ҳам яшаганлар.¹²

¹⁰ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы... С. 70.

¹¹ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы... С. 71-78.

¹² Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы... С. 69-71.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, «турк»лар, асосан, водийнинг жанубий-шарқий ҳудудларига жойлашиб қолганлар. Ш.И. Иноғомов, Я.Р. Винниковлар томонидан тузилган Фарғона водийсининг этник харитасида ҳам «турк»лар яшаб турган аҳоли манзилгоҳларининг жойлашуви айнан шу тарзда кўрсатилади. Шу билан бирга «турк»ларнинг водий бўйлаб жойлашуви ҳақида гап кетганда, С.С. Губаева томонидан билдирилган ушбу фикрни ҳам эътибордан қочирмаслик керак. «Мен йиғган материаллар, - деб ёзди у, - ушбу маълумотларни тўлдириш имконини беради. Турклар қўчиб юришлари даврида аввало қўйларини боқиш учун қулай бўлган жойни танлаганлар. Фарғонада асосан бундай жойлар экин экилмайдиган адир ва адиролди текислик ерлари ҳисобланади. Ўтроқлашаёттан турклар, табиийки, асосан ўзлари қўчиб юрган жойларда ўтроқлашганлар. Шунинг учун Фарғона водийсидаги турк қишлоқлари ғарбдан бошланиб шарқда тугалланадиган, водийни жанубдан ўраб турувчи адир ёnlарида жойлашган».¹³

Юзлар ҳам XIX-XX аср бошларида Фарғона водийсида яшаган йирик туркий тилли ўзбек қабилаларидан биридир. Бу даврда уларнинг асосий қисми водий худудига туташ бўлган Зомин ва Ўратепада яшаганлар. Юзларнинг каттагина гуруҳи айни вактда Фарғона водийси худудидаги, ҳозирги Хўжанд вилоятига қарашли Нов ва Ж. Расулов номли (собиқ Пролетар) туманларида жойлашганлар. Бундан ташқари, Андижон вилоятининг Балиқчи, Асака, Шахрихон, Фарғона вилоятининг Бувайдада туманларида жойлашган бир қанча қишлоқларда ҳам юзлар яшаганликлари маълум.¹⁴

Умуман, Ўрта Осиёга юзларнинг кириб келиши XV аср охири -XVI аср бошларида Шайбонийхон бошлигидаги Дасти-Қипчоқ ўзбек

¹³Гаврилов МФ. Материалы к этнографии «турк» Ура-Тюбинского района // Труды САГУ. Серия П. Orientalia. Вып. 2. - Ташкент, 1929. С.70-90.

¹⁴ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 .Б. 14.

уругларининг ушбу худудга кириб келиши билан боғланади. Фарғона водийси ҳудудида ҳам айни шу вақтда юзларнинг дастлабки гуруҳлари келиб ўрнашган бўлса керак.

Кейинчалик ҳам юзларнинг кўплаб гурухининг водий ҳудудига қўчиб ўтишлари давом этади ва улар водий сиёсий ҳаётида фаол иштирок қилганлар.

Қатор тадқиқотчилар Фарғона водийси ўзбек аҳолисининг шаклланишида иштирок қилган қирқлар юзларга яқин бўлган қабила бўлиб, асосан, юзлар жойлашган ҳудудларда яшаганлар.

Қипчоқлар туркий тилли этнослардан яна бири бўлиб, узоқ давом этган этник ва этнослараро жараёнлар давомида ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ ва шу каби туркий халқларнинг шаклланишида фаол иштирок этганлар ва улар таркибига муҳим компонент сифатида кирганлар.

Қипчоқларнинг Фарғона водийсида пайдо бўлиши ҳакида турли фикрлар билдирилади. Бир гурух тадқиқотчилар, хусусан Н.А. Аристов, бу ерда улар XVI аср бошларида Шайбонийхон қўшинлари таркибида кириб келганилигини таъкидлайди.¹⁵ В.П. Наливкин эса қипчоқларнинг катта қисми Фарғонага XVIII асрда келиб ўрнашганлар, деб ҳисоблайди.¹⁶ К.Ш. Шониёзов қипчоқларнинг Фарғона водийси ҳудудига келиб жойлашиш масаласига тўхталар экан, бу ҳодисани янада XVIII аср 20-йилларининг охири 30-йилларининг бошлари билан боғлайди. Унинг таъкидлашича, қолмиқлар таъкибидан қочган қипчоқларнинг катта гуруҳи айнан шу даврда Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларига келиб жойлашганлар.¹⁷

¹⁵ Юзлар ва уларнинг ургуф-кабилавий тузилиши ҳакида батафсил қаранг Масалан, Дониёроров Х. Узбек халқининг шажара ва шевалари. - Тошкент, 1968. 83-84-бетлар; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов... С. 223-224; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы... С. 65-67.

¹⁶ Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства... С. 17.

¹⁷ Шаниязов К.Ш. Этнические истории узбекского народа. – Т.:Фан., 1974. С. 103.

Демак, қипчоқларнинг Фарғона водийси худудига келиб жойлашишлари ҳам бир неча аср ичида юз берган. Эҳтимол, уларнинг баъзи бир гуруҳлари Шайбонийхон кўшинлари бу ерга кириб келгунга қадар ҳам Фарғона водийсида пайдо бўлгандирлар.

Фарғона водийси худудига қурамалар XVIII аср охири - XX аср бошлари оралиғида бир неча босқичда кўчиб ўтганлар. Асосан, Ангрен воҳасида жойлашган Телау, Хонобод, Жалоир, Обжаз, Қорахитой каби қишлоқларда яшовчи қурамалар Фарғона водийсига Қурама тоғ тизмасидаги Қорақия, Кендировон, Саримсоқлик деб аталувчи довонлар оша кириб келганлар. Уларнинг бир қисми қурама тоғ этакларида қоладилар, бошқа қисми эса водийнинг ичкариси томон силжиб, бўш яйловлар қидириб, юқорида кўрсатиб ўтилган қишлоқлар худудига бориб жойлашадилар¹⁸.

Фарғона худудига кўчиб ўтган қурамалар ҳам бир қанча уруғ-қабилалардан иборат бўлиб қуйидаги жалоир, тома, уйшун, телау қабилар нисбатан йирик бўлинмалари ҳисобланган. Ушбу бўлинмалар ҳам ўз сафида ўнлаб кичик уруғларни бирлаштирганлар.

С.С. Губаева Фарғона водийси худудига кўчиб ўтган қурамаларнинг қатор уруғларнинг номи (этнонимлари) маҳаллий топономикада сақланиб қолганлигини кўрсатган. Хусусан, кереит, жапалоқ, тўрайгир, тупар, қорачапон,чувалдоқ, жастабон, чубаланчи, олчин, абиз, беижал, кўрпа, қоракўйли, қорасийрак, унгут, абжаз, болғали, ва ҳоказолар.¹⁹

Тўғри, юқорида санаб ўтинган уруғ номларининг кўпчилиги XIX асрнинг охирларига келиб этноним сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эди. Чунки яримўтроқ, қурама уруғлари батамом ўтроқлашар эканлар, ўзларининг аввалги этнонимларини унута бордилар.

¹⁸ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 .Б. 18.

¹⁹ Губаева С.С. Население Ферганской долины... С. 40.

Тожиклар Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона водийсининг энг қадимги этносларидан биридир. Улар асосан водийнинг ғарбий ва шимолий-ғарбий қисмида жойлашганлар. Тожикистоннинг ҳозирги Сўғд вилояти худудида тожиклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этадилар.

Айни вақтда, Фарғона водийсининг бошқа худудларида ҳам, хусусан, Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Фарғона вилоятининг Риштон, Фарғона, Сўх туманларидағи қатор аҳоли манзилгоҳларида аҳолининг кўпчилиги тожиклардир²⁰.

Бундан ташқари, Олтиариқ, Марҳамат, Асака, Шахрихон, Қува, Андижон, Наманган, Избоскан, Бувайда туманларида ҳам кўплаб тожик қишлоқларини учратиш мумкин.

1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш вақтида фақат Андижон, Фарғона ва Наманган вилояти худудларининг ўзидағина 91 792 нафар тожиклар яшаб турганлиги қайд этилган. Шундан, 13 690 нафари Фарғона, 11 831 нафари Риштон, 9 316 нафари Чуст, 3 540 нафари Олтиариқ, 2 723 нафари Марҳамат, 2 384 нафари Марғилон, 2 228 нафари Асака, 1 635 нафари Шахрихон ва 421 нафари Қува туманларидағи шаҳар ва қишлоқлардан рўйхатга олинган.²¹

Этнографик адабиётларда Фарғона водийсида яшовчи тожиклар шартли равищда икки гурухга воҳа тожиклари, тоғлик тожикларга ажратилади. Воҳа тожиклари ушбу ўлқанинг азалий халқларидан бири бўлиб, ўзбеклар орасида тарқоқ жойлашган баъзи бир гуруҳларини ҳисобга олмагандан, ўзларининг узоқ тарихий тараққиётлари давомида қатор этник хусусиятларини (жумладан, тилини) сақлаб келганлар. Воҳа тожиклари, асосан, водийнинг юқорида кўрсатиб ўтилган Хўжанд шаҳри ва унга туташ худудларда ҳамда

²⁰ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005.-Б. 19.

²¹Иногамов Ш.И. Этнический состав населения и этнографическая карта...-С.19

Чуст, Косонсой, Риштон, Сўх туманларида қадим даврлардан бери яшаб келмоқдалар.²²

Захириддин Мұҳаммад Бобур ўз давридаёқ. (XV аср охири-XVI аср бошларида) тоғли тожикларнинг Фарғона водийси худудига кўчиб кела бошлаганликларини айтиб ўтган эди.²³

Бироқ, У.Абдуллаевнинг «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар» монографиясида ёзилишича бу жараён XVIII асрдан эътиборан, айниқса XIX-XX аср бошларида жадал тус олди ва айнан шу даврда водий худудидаги тоғли тожиклар сони кескин кўпайди. Афсуски, ўша даврдаги статистик материаллар Фарғона водийси худудидаги тоғлик тожиклар сонини келтириб ўтиш имконини бермайди. Негаки, улар ушбу статистик материалларда водийнинг текислик қисмида яшаб келаётган тожиклардан ажратилиб, алоҳида қайд этилмаган.

Қирғизлар биз кўриб ўтаётган даврда Фарғона водийси аҳолисининг катта қисмини ташкил этганлар. Улар бутун водий бўйлаб жойлашган бўлсаларда, асосий қисми Ўш уездиде яшаганлар. Айнан ушбу уезд аҳолисининг 98,8 %ни қирғизлар ташкил қилган. Бундан ташқари қирғизлар Марғилон (29,6 %), Наманган (25,7 %), Андижон (39,6 %) ва Қўқон (6,0 %) ҳамда Хўжанд уездлари аҳолисининг салмокли қисмини ташкил қилганлар. Умуман, 1897 йилги маълумотларга кўра, Фарғона вилоятидаги қирғизларнинг сони 423 639 нафарга teng бўлган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш вақтида эса ҳозирги Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари худудида 58.960 нафар қирғизлар яшаётганлиги қайд этилган.²⁴

Қирғизларнинг бир XVII-XIX асрлар мобайнида эса Фарғона вилоятининг тоғ, тоғолди ҳамда адир ёнбағирларидан кўплаб қирғиз

²² Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 йил.Б. 43.

²³ Бобур Захириддин Мұҳаммад. Бобурнома. - Тошкент, 1958. 19-бет.

²⁴ Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005 йил.Б. 44.

урұғлари ўз чорвалари учун яйлов сифатида күпроқ. фойдалана бошлаганлар, уларнинг маълум қисми ўтроқлашув жараёнида ушбу жойларда ўз қишлоқларини ташкил этганлар.

Водийга асосан Тяньшань, Чотқол, Олой, Қоратегин ва Қашғарда яшаётган қирғизлар келиб жойлашганлар. Ўтмишда қирғизлар учун ҳам барча күчманчи ва ярим күчманчи халқлар каби уруғ қабилавий тузилиш ҳарактерли бўлган. Ушбу қирғиз уруғ-қабилалари ўз ўрнида учта йирик гурухга бирлашганлар. Булар «ўнг» қанот қирғизлари, «сўл» қанот қирғизлари ҳамда «ичкилик» қирғизлари деб номланган. Худди шу уруғчилик принциплари асосида қирғизлар маълум бир ҳудудларда, хусусан, Фарғона водийси бўйлаб жойлашганлар.

Қорақалпоқлар. Сирдарёning ўрта оқимида яшаб турган қорақалпоқларнинг катта бир гурухи XVIII асрда Фарғона водийсига кўчиб ўтганлар. Л.С. Толстованинг гувоҳлик беришича, қорақалпоқларнинг асосий қисми XVIII аср давомида водийга кўчиб ўтган бўлсаларда, бу жараён то XIX аср бошларига қадар давом этган²⁵.

Кўчиб ўтган қорақалпоқларнинг аксарияти водийнинг Сирдарё ва Қорадарё қирғокларидаги ҳудудларига жойлашдилар на Андижондан то Кўқонгача бўлган ҳудудларда ўтроқлаша бориб, ўзларининг қатор қишлоқларини барпо этганлар.

Хусусан, Андижон вилоятида Дарломон, Найман, Қипчоқ, Саҳоват, Шерқўргон, Дўңсарой, Хўжаобод, Хавос, Бугази, Наманган вилоятида Гуртова, Бобоғози, Бешкапа, Чордара, Фарғона вилоятида Тақали, Қипчоқ, Сойбўйи, Қорақалпоқ ва бошқалар.

²⁵ Абрамзон СМ. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи... С. 36-81; Винников Я.Р. Родоплеменной состав и расселение киргизов на территории Южной Киргизии // ТХАЭ. 1956. Т. I. С. 136-170;

Умуман 1917 йилги статистик маълумотларга кўра, Фарғона водийси ҳудудидаги қорақалпоқлар сони 10 735 нафар қилиб белгиланган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш материалларида эса уларнинг бу ердаги сони 18520 нафарни ташкил этган²⁶.

Уйғурлар Шарқий Туркистоннинг энг қадимги ўтрок туркий этносларидан бири ҳисобланади. Шарқий Туркистон билан Фарғона водийси халқлари орасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тарихи қадим даврларга бориб тақалади.

Ҳар икки минтақа халқлари ўртасидаги чамбарчас алоқалар ривожига аввало ушбу халқларни ўзаро этногенетик яқинлиги қўп жиҳатдан имкон яратган. XVIII асрнинг II ярмидан эътиборан, айниқса, XIX асрнинг II ярмида Хитой феодалларига қарши кўтарилилган мусулмонлар қўзғолони мағлубиятга учрагандан кейин Шарқий Туркистоннинг кўплаб мусулмон аҳолиси, хусусан жуда кўп уйғур оиласлари Фарғона водийсига қочиб ўтдилар.²⁷

Ч.Ч. Валихоновнинг гувоҳлик беришича, XIX асрнинг ўрталаридаёқ, Қўқон хонлигига 300 мингга яқин уйғурлар яшаган.²⁸ Ҳар холда, Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган Шарқий Туркистонлик уйғурлар сони бундан ҳам кўп бўлса керак. Негаки, бу даврда уйғурлар кўпроқ ўзлари чиқиб келган жой номлари билан Қашғар шаҳри ва ушбу воҳадан келганлар «қошғарлик», Ёркентдан кўчиб келганлар «ёркентлик», Турфондан ўтганлар «турфонлик» ва ҳоказо номлар билан аталганлар. Бундан ташқари, кўчиб ўтганларнинг каттагина қисми водий аҳолиси орасида «тоғлик» номи билан ҳам маълум бўлган. Маҳаллий аҳоли қашғарлик эмигрантларни «тоғлик» этноними билан атаганлар. Улар ўз ўрнида «оқтоғлик» ва «қоратоғлик» гурӯҳларга

²⁶ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы... С. 81. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины... С. 44.

²⁷ Литвинский Б.А. Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (Проблемы этнокультурной общности) // Восточный Туркестан и Средняя Азия. - Москва, 1984. С. 40-96;

²⁸ Валиханов Ч.Ч. Материалы и исследования о Кашгарии / Соч. - Алм Ата, 1962. Т. II. С. 172.

ажралганлар. Фарғона водийсида «оқтоғлик»лар «қоратоғлик»ларга нисбатан анча кўп бўлган. Айнан XIX аср ўрталарида Андижон, Шаҳриҳон ва Қорасув яқинидаги қишлоқларда «тоғлик» ларнинг 50 000 оиласи яшаган²⁹.

С.С. Губаева Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурлар ичида «дўлон» номи билан маълум бўлган этнографик груп ҳамда қошғарлик лўлилар деб ҳисобланувчи «оёқчи» ва «повон» каби этнографик групҳлар ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатиб ўтган эди.

Ч.Ч. Валихонов томонидан келтирилган қуидаги маълумот ҳам бир бор Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурларнинг сони анча кўп бўлганлигини тасдиқлаб турибди. Фақат 1862-1878 йиллар оралиғида Кўқон хонлиги ҳудудига кўчиб ўтган қошғарликларнинг сони 85 -162 мингни ташкил қилган.⁴

Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурларнинг сони ҳақида гап кетганда шуни ҳам инобатга олиш керакки, Шарқий Туркистонлик уйғурлар, асосан, қошғарликлар водий ҳудудига доимий равишда иш қидириб келиб турганлар. Уларнинг баъзилари бу ерда турғун бўлиб қолганлар.

Фарғона водийсига кўчиб ўтган уйғурларнинг асосий групҳлари водийнинг шимолий-шарқий ва шарқий қисмига келиб жойлашганлар. Андижон вилоятининг Избоскан, Андижон, Асака, Шаҳриҳон, Кўрғонтепа, Жалолқудук, Хўжаобод, Қирғизистон-нинг Қорасув, Аравон, Сузок, туманларидаги қишлоқларда ҳамда Андижон. Асака, Ўш, Ўзган ва Жалолобод сингари шаҳарларда уйғурлар ғуж жойлашганлар.

Бундан ташқари, Дўлон деб аталувчи ўнлаб қишлоқлар учрайдики, бу албатта, юкорида айтиб ўтилган уйғурларнинг этник таркибидағи «дўлон» этнографик групҳи билан боғлиқ.

²⁹ Валиханов Ч.Ч. Материалы и исследования о Кашгарии... С. 369., Губаева С.С. Население Ферганской долины... -С 86, 91-92

Дунғонлар. Шарқий Туркистанда юз берган танг сиёсий вазият Хитойнинг Шаньси ва Ганьсу вилоятларида яшовчи бир гуруҳ, дунғон халқи вакилларини ҳам Ўрта Осиёнинг қатор худудларига, хусусан Фарғона водийсига кўчиб ўтишга мажбур этди.

1862-1878 йиллар мобайнида кўплаб дунғон оиласлари Фарғона водийсига келиб жойлаша бошладилар. Дунғон қочоқларининг асосий қисми рус маъмурлари томонидан дастлаб Ўш шаҳри яқинига жойлаштирилган. Кейинчалик улар Ўш вилояти Қорасув тумани худудида ўзларнинг қишлоғини барпо этдилар, бу ерда турғун бўлиб қолдилар.³⁰

Шундай қилиб, юқорида келтириб ўтилган фактик материаллар Фарғона водийси XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиёда ўзига хос этник манзарага эга бўлган тарихий-этнографик худуд бўлганлигини қўрсатиб турибди. Ушбу худудга хос бундай полиэтник хусусият бу ерни айни вақтда «этномулоқот худуди» деб аташ имконини беради. Зоро, бундай «этномулоқот худудлари»да ҳаётнинг барча соҳаларида этнослараро муносабатлар юз бериши ва ривожланиб бориши табиийдир.

1.2. Хўжалик анъаналарининг шаклланиши

Этнослараро муносабатлар қўп қиррали бўлиб, у этнос ҳаётий фаолиятининг барча жабҳаларида намоён бўлади. Чунончи, халқларнинг хўжалик фаолияти соҳасида ҳам, айниқса хўжалигининг йўналиши турлича бўлган этнослар орасида бундай этник алоқалар, бир-бирига таъсир ўтказиш янада ёрқин акс этади.

³⁰Стратанович Г.Г. У дунган Ошской группы. (Киргизская ССР) // КСИЭ.Вып. IV. - 1948. С. 79; Винников В.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. - Москва, 1959 Т. II. С. 404-405.

Ўтроқ дәхқон ва ҳунарманд хўжалиги билан кўчманчи чорвадор хўжаликлар ўртасидаги ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳамда ўзаро муносабатлар тарихи, шубҳасиз, қадим даврларданоқ бошланган.

Айтиб ўтиш жоизки, узоқ, вақт мобайнида бир гуруҳ, тадқиқотчилар томонидан чорвадор халқлар билан ўтроқ дәхқон, ҳунарманд аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларга, асосан, бир ёқлама баҳо бериб келинди. Яъни, гўёки бу муносабатлар фақат урушлардан, кўчманчи қабилаларнинг ўтроқ дәхқон, ҳунарманд аҳоли яшайдиган қишлоқ, ва шаҳарларни талонтарож ва вайрон этишидангина иборат бўлган деб қаралди.

Бу албатта, тўғри хулоса эмас. Аксинча, тарихий тараққиётнинг илк босқичларидан бошлабоқ, чорвадор кўчманчи аҳоли билан ўтроқ, аҳоли ўртасидаги муносабатлар хўжалик алоқалари асосида қарор топиб борган. Шундай бўлиши табиий ҳам, зеро, чорвадор хўжалик билан дәхқон ва ҳунарманд хўжалик ўзаро боғланмасдан, алоҳида-алоҳида тарзда мавжуд бўлолмасди.

Ўтроқ, аҳоли томонидан ишлаб чиқилган дәхқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларига чорвадор аҳоли доимо эҳтиёжманд бўлган. Айни вақтда, чорвадор аҳолининг ўзи ҳам ўтроқ аҳоли яшайдиган воҳаларни гўшт, тери ва жун сингари чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб турган. Бир сўз билан айтганда, ўтроқ, дәхқон, ҳунарманд аҳоли ва кўчманчи чорвадор қабилалар ўртасида маҳсулот айирбошлиш қадимданоқ яхши йўлга қўйилган, савдо муносабатлари ривожланиб борган. Бундай шароитда икки хил хўжалик типига мансуб этнослар орасидаги ўзаро муносабатлар, асосан, ижобий ҳарактер касб этганлиги шубҳасиз.³¹

Фарғона водийси ҳам қадимдан худди шундай этномулоқот худуди бўлганлиги боис, эрадан аввалги асрлардаёқ дәхқончилик воҳалари атрофида жойлашган кўчманчи чорвадор қабилалар билан турғун дәхқон ва ҳунарманд

³¹ Батраков В.С. Хозяйственные связи кочевых народов с Россией, Средней Азией и Китаем. Т., 1955;

аҳоли ўртасида ўзаро этник муносабатлар, хусусан, хўжалик алоқалари қизғин кечган. Буни тарихий манбалар, айниқса, археологик материаллар тасдиқлайди.³²

Маълумки, бутун ўрта аср мобайнида ҳам Ўрта Осиёning икки дарё оралиғи ва унга туташ худудларида этник ва миграцион жараёнлар қизғин кечди. Бу даврда ҳам Фарғона водийси худудига кўчиб келган аҳоли билан турғун аҳоли ўртасида этник муносабатлар, чунончи хўжалик алоқалари ҳам янада ривожланиб борганигини кузатиш мумкин.

XIX аср бошларига келиб, азалий чорвадор аҳолининг кўпроқ ўтроқликка ўтиши, маҳаллий турғун аҳоли билан ҳар жиҳатдан қўшилиб кетиши жараёни янада жадаллашди. Эндиликда нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам яхлит бир ҳудудга айланган водийнинг аҳолиси ҳаётида дехқончилик хўжалиги билан чорвачилик хўжалиги ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши, бир-бирига боғлиқлигининг ортиб бориши бу даврда янада муҳим аҳамият касб этди.³³

Таниқли этнограф Б.Х. Кармышева бир-бирини тўлдириб турувчи икки хил хўжалик типи бу даврдаги этник жараёнларга икки ёқлама таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, икки хил хўжалик типининг ўзаро муносабати, биринчидан, этник мулоқотларни юзага келтириб, яқинлашув (интеграция), бирикиш (консолидация) ва киришиб кетиши (ассимиляция) жараёнини тезлаштиради, иккинчидан эса, ўтрок, ярим кўчманчи ва кўчманчи аҳоли хўжалигининг маълум бир йўналишга

³² Бернштам АН. Древняя Фергана. – Т., 1951.

³³ Рассудова Р.Я. Земледельческое хозяйство и местные рынки Ферганы XIX в. // Бортольдовский чтения 1976. Год третий. Тезисы докладов и сообщений. – М., 1976.- С. 69.

ихтисослашувини, маший турмушнинг ва анъаналарнинг барқарорлигини таъминлайди³⁴

Турғун аҳоли билан ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ўртасида хўжалик алоқалари юз берар экан, бу жараёнда дехқон ва чорвадор этник гурухлар ўз хўжаликларининг ихтисослашувларидан келиб чиқиб «таъсир кўрсатувчи этнос» мавқеини ўйнаганлар.

Дехқончилик хўжалигини юритиш бўйича азалий тажрибага эга бўлган ўзбек, тожик ва уйғурлар фарғоналик қирғиз, қипчоқ қурама, турк, юз, қорақалпоқ каби ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи ўтмишда чорвачилик билан шуғулланиб келган халқларга дехқончилик соҳасида ўз таъсирларини доимо ўтказиб келганларки, бу ҳол дехқончилик хўжалигини юритишнинг барча босқичларида намоён бўлган.

Албатта, азалий чорвадор аҳоли дехқончилик билан шуғулланишга ўтар экан, аввало ўтроқ, дехқон аҳоли томонидан ишлатилиниб келинаётган меҳнат қуролларидан фойдаланишни ўзлаштириб борган.

Ўзбек, тожик, уйғур, қирғиз, туркман ва бошқа Ўрта Осиё халқлари томонидан қўлланиб келинган дехқончилик қуроллари деярли бир-бирига ўхшаш. Фақат айrim маҳаллий хусусиятлари билангина улар турли худудларда фарқланиб туради.

Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийсининг турли табиий-географик зоналарида дехқончилик қуролларининг у ёки бу шаклдагисининг тарқалиши, аввало, ушбу жойнинг тупроғи, иқлими ва шу каби табиий шартшароитларига, қолаверса, маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий анъаналарига боғлиқ ҳолда юз берган. Турли хил ландшафт зоналарида мавжуд бўлган дехқончилик қуролларининг ўзига хос жиҳатлари маҳаллий

³⁴Кармышева Б.Х. «Кочевая степь» Мавераннахра и ее населения в конце XIX - начале XX в. (по этнографическим данным) // СЭ. - 1980. - № 1. С. 47.

хусусиятлар касб этиш билан бирга, шу ерда жойлагпган этник жамоалар учун бу соҳадаги этномаданий хусусиятлар сифатида ҳам намоён бўлади. Масалан, экин майдонларини шудгорлашда ишлатиладиган асосий дехқончилик қуроли ҳисобланган омочлар Фарғона водийсининг барча аҳолисида, этник мансублигидан қатъи назар, бир хил тузилишга эга бўлган, фақат катта-кичиклиги билан бир-биридан ажралиб турган, холос. Унинг қайси ўлчамдагисидан фойдаланиш эса шудгор қилинадиган ернинг хусусияти ва омочга қўшиладиган ишчи ҳайвоннинг турига боғлиқ бўлган.

Ўрта Осиё халқларининг дехқончилик қуроллари хақида маълумот берувчи адабиётлар талайгина. Биз қуйида улардан айримларинигина номини кўрсатиб ўтамиз, холос.

Водийнинг текислик қисмидаги сугорилиб экиладиган ерларни шудгор қилиш учун ҳажми каттароқ ва оғирроқ бўлган омочлардан, шоли сепиладиган майдонларни ҳайдаш учун эса унга нисбатан кичикроқ ўртacha ўлчамдаги омочлардан, тоғ ва тоғолди ҳудуддардаги баҳорикор ерларни шудгорлашда эса кичикроқ ва енгилроқ омочлардан фойдалангандар.

Албатта, Фарғона водийсининг сугорилиб дехқончилик қиласидиган ҳудудларида жойлашган ўтроқлашган қирғиз, қипчоқ, турк, қурама, қорақалпоқ дехқонлари қўшни ўзбек, тоҷик ва уйғур аҳолидан нисбатан катта ҳажмдаги омоч турларидан ҳам фойдаланишни ўзлаштиргандар. В.П. Наливкин Наманган уезди аҳолисининг дехқончилигига бағишлиланган асарида маҳаллий дехқонларнинг иш қуролларга тўхталиб, ўзбек, тоҷик, қирғизларнинг бундай меҳнат қуролларида жумладан, омочларда ҳам тафовут йўқ эканлигини айтиб ўтади.³⁵

Ўрганилаётган даврда дехқончилик қуролларининг ичида энг кўп тарқалгани, ҳар хил ишга ярайдигани бу кетмон ҳисобланган. Фарғоналий

³⁵ Гамбург В.С. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины- С.123.

темирчи усталар томонидан бир неча кўринишдаги кетмонлар ясалган. Аҳоли бажариладиган ишнинг тури ва тупроқнинг тузилишига қараб, турли шаклдаги кетмонлардан фойдаланганлар.

Хўжанд, Конибодом, Ашт, Наманган, Марғилон, Кўқон, Чуст, Шаҳрихон, Андижон ва Ўш каби ҳунармандчилик марказларида маҳаллий ер хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзига хос шаклдаги кетмонлар ишлаб чиқарилган. Дехқончилик билан шуғулланишга ўтаётган қирғиз, қипчоқ, турк, қурама, юз, қорақалпоқлар ушбу дехқончилик қуролини аксарият ҳолларда ўтроқ ҳунарманд-темирчилардан ҳарид қилганлар.

Водийнинг барча этник жамоаларида дехқончилик экинлари ўроқ ёрдамида ўриб олинган. Ўроқ ҳам ҳудди кетмон каби маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, турли шаклда темирчи усталар томонидан тайёрланган.

А.С. Бежкович ҳам қирғизларнинг дехқончилигига бағищланган асарида икки хил нусхадаги ўроқларнинг суратини берган. Улардан бири Қирғизистоннинг Чуй водийсида, иккинчиси эса Иссиқкўл бўйларида тарқалган бўлиб, биринчиси «менгел», иккинчиси эса «ороқ» деб номланиши айтилади.³⁶ Қирғизларнинг «менгел» деб номланувчи ўроқ, нусхаси ўзининг тузилиш жиҳатидан Фарғонада кенг таркалган ўроққа ниҳоятда ўхшайди. Бу нусхадаги ўроклар қирғизларга Фарғона водийси аҳолисидан ўтганлиги аниқ. Бу фикрни А.С. Бежкович ҳам қўйидаги сўзлари билан тасдиқлайди: «Қирғизларнинг айтишича,-деб ёзади у, ўроқ уларда бундан 90-100 йил муқаддам пайдо бўлган ва у маҳаллий ўзбеклардан ўтган...».³⁷ Боз устига, Фарғона водийсидаги ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли, жумладан қирғизлар ўрокларни маҳаллий темирчи усталардан ёки бозорлардан ҳарид

³⁶ Бежкович А.С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия. Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана// ТИЭ. Новая серия. - Москва, Т. XCVIII. -С. 58.

³⁷ Бежкович А.С. ўша асар... - Б.59.

қилганлар. Ушбу усталар асосан, ўтроқ ўзбек ва тожик халқининг вакиллари эди.

XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси худудида дәхқончилик қилаётган барча этник жамоаларда агротехника (қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлиш) усули деярли бир хил бўлган. Бу тушунарли ҳол. Негаки, чорвадор халқлар бутун тарихий тараққиёти давомида ўтроқ дәхқон аҳоли томонидан кашф қилинган барча агротехникага оид билим ва тажрибаларни хўжалик маданий алоқалар жараёнида ўзлаштириб борганлар.

Ерга ишлов бериш, бошқа минтақаларидағи каби, Фарғонанинг барча халқларида ҳам деярли бир хил тарзда амалга оширилган. У аввало меҳнат қуролларини ҳамда ишчи ҳайвонларини дәхқончилик ишларига тайёрлашдан бошланган. Айниқса, ишчи хўқизлар бутун қиш фасли мобайнида алоҳида эътибор билан озиқлантирилган.

Шудгорлаш ишлари календар бўйича «ҳамал» ойининг кириб келиши билан бошланган. Ҳозирги амалдаги ой календари бўйича бу 22 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Экин майдонлари тупроқнинг хусусияти ва экилиши лозим бўлган экин турига караб шудгор қилинган. Масалан, сугориб буғдой ва арпа экиладиган далалар бир неча маротаба (ҳатто 8-12 маротаба) қайта-қайта шудгор қилинган. Сугорилмай, дәхқончилик қилинадиган лалми ерлар эса фақат бир-икки маротаба шудгор қилинган, холос.

Шудгор қилинган ерлар мола ёрдамида текисланиб, уруғ сепиш учун тайёрланган. Асосан икки хил мола ишлатилган; тахта мола (ёки ёғоч мола) ва сих мола. Биринчиси оғир ёғочдан (масалан, тут, ўрик, ёнғоқ дарахтларидан) 2,5 метр узунлиқда тахта ёки ғўла шаклида тайёрланган. Иккинчиси эса тахта шаклида тайёрланиб, темир ёки чўян тишлар ўрнатилган. Сих мола Фарғона водийсида, умуман, Ўрта Осиёning барча

дәхқончилик воҳаларида руслар истилосидан кейин тарқала бошлаган. Бизнинг фикримизча, моланинг ушбу тури яrim ўтроқ ва яrim кўчманчи аҳолига ўтроқ аҳоли орқали ўтган бўлса керак. Чунки у даставвал водийнинг қадимий дәхқончилик воҳаларидаги аҳоли томонидан қўлланилган. Жанубий қирғизлар ҳам шубҳасиз бундай турдаги молаларни фаргоналик дәхқонлардан ўзлаштирганлар. Шимолий қирғизлар эса бундай сих молани кўчириб келинган рус дәхқонларидан қабул қилганликлари маълум. Шудгор қилинган ерларни текислаш, айниқса сепилган уруғни тупроқ билан қўмиш учун шоҳ мола ҳам қўлланилган. Одатда жуда содда тарзда дараҳт шоҳларини ходага боғлаш йули билан тайёрланган ушбу мослама кўпроқ лапми ерларда яrim ўтроқ ва яrim кўчманчи аҳоли томонидан ишлатилган.

Ушбу яrim ўтроқ (яrim кўчманчи) аҳоли асосан баҳорги экинлар; буғдой, арпа, тариқ каби экинларни етиштирганликлари ҳақида айтиб ўтган эдик. Бироқ кейинчалик, дәхқончилик қилиш мумкин бўлган бўш ерларнинг камайиб бориши натижасида XIX аср охири XX аср бошларида улар ҳам ўтроқ ўзбек, тожик дәхқонлари таъсирида ернинг унумдорлигини оширишга, уни ўғит билан озиқлантиришга киришдиlar.

Ўрта Осиё халқарини ўрганган тадқиқотчилар ерга уруғ қадашнинг (сепишнинг) икки усули ҳақида маълумот берадилар: экинзор бўйлаб пиёда юриб ҳамда от устида ўтириб олиб далага уруғ сепиш. Кейинги усул кўчманчи турмуш тарзига, аниқроғи, чорвадор халқларга хос бўлиб, IX асрнинг биринчи ярмида водийнинг тоғ ва тоғолди худудларида жойлашган қирғиз, қипчоқ, қурама, турк, уйғур этник гуруҳларида қўлланилган. Экин майдонлари бўйлаб пиёда юриб уруғ сепиш турғун дәхқон аҳолида қадимдан амалда бўлган.

Маълумки, сугориб дәхқончилик қилинадиган майдонларга экинлар лалми ерлардагига нисбатан кўпроқ парвариш талаб қиласди. Қирғиз, уйғур, қипчоқ, турк, қурама, юз каби этник жамоаларнинг дәхқончилик воҳаларида азалий дәхқон аҳоли билан ёнма-ён ёки аралаш яшаётган гуруҳлари,

табиийки, экин майдонларига эгат (жүяк) олиш, пол күтариш, сув тараш каби ўзлари учун одатий бўлмаган агротехник усулларни тез ўзлаштирилар. Айниқса, водийнинг азалий дехқон аҳолиси билан чамбарчас алоқалар натижасида, ярим ўтроқ аҳоли ўз экин майдонларини ёввойи ўтлардан тозалаш ва чопиқ қилишни яхши йўлга қўйдилар³⁸.

Водий ҳудудида жойлашган ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ўз экин майдонларидаги ҳосилни қушлардан (биринчи галда чумчуклардан) кўриқлашда ҳам маҳаллий дехқонлар томонидан қўлланиб келинаётган усуллардан кенг фойдаланганлар. Шундай усуллардан бири, бу экин майдонларига (асосан зироат экинлари экилган далаларга) ўзига хос ясама «қўриқчи»ни ўрнатишдир. Одатда ушбу «қўриқчи»лар хоч шаклдаги ёғоч таёқда эски, увадаси чиқкан кийим-бошларни «кийинтириш» йўли билан ясалган.

Қизиги, ҳосилни «қанотли ўғрилар»дан қўриқлаш усулларида ҳам чорвадор халқлар турмуш тарзига хос бўлган айрим этник жиҳатларни илғаб олиш мумкин бўлади. Масалан, кенгроқ даладаги ҳосилни қушлардан сақлаш учун ўтроқ аҳоли доира (дўмбира), шиқилдоқ ва бошқа товуш чиқарувчи анжомлардан фойдалансалар, ярим ўтроқ аҳоли отда бутун далани кезиб чиққанлар ва тўрва-халтасидаги кичик тошларни экинзор бўйлаб отганлар.

Бундан ташқари, ўтроқ аҳоли ҳамда ярим ўтроқ аҳолининг экинзорларидаги «қўриқчи»лар ҳам ўзига хос тарзда «кийинтирилган». Ўтроқ аҳоли экинзорларидаги «қўриқчи»лар ип-газламадан тайёрланган кийимларни, ярим ўтроқ аҳоли экинзорларидаги «қўриқчи»лар эса мўйна ва жундан тайёрланган кийимларни «кийганлар».³⁹

³⁸ Рассудова Р.Я. Земледельческое хозяйство и местные рынки Ферганы XIX в. // Бортольдовский чтения 1976. Год третий. Тезисы докладов и сообщений. - Москва, 1976. -С. 71.

³⁹Бежкович А.С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия... -С. 50.

Барча этник жамоаларда ҳосил, асосан, ўроқ ёрдамида йиғиширилиб олинганинги айтиб ўтган эдик. Етилган ҳосилни йиғиб олиш усули водийнинг барча халқарида бир хил бўлиб, фарқ қилмайди. Фақат уни янчиб олишда, бир оз бўлсада анъанавий ўзига хослилик кузатилади. Бу ҳам бўлса, яна ўша этник жамоаларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Боғ-боғ қилиб боғланган буғдой ёки шоли ҳосили хирмонга келтирилгач, маҳсус тайёрлаб қўйилган майдонга доира шаклда ёйилган ва йирик уй ҳайвонлари, масалан от, тuya, хўқизлар ёрдамида янчиб олинган. Йирик уй ҳайвонларидан фойдаланиб, бошоқли экинларни янчиб олишнинг ушбу усули Ўрта Осиёнинг барча халқарида кенг қўлланилган ва бу усул кўплаб адабиётларда яхши таърифлаб берилган.

Ҳосилни янчиб олишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлиб, ундан ишчи ҳайвонлари етишмаган ёки етиштирилган ҳосилнинг миқдори камроқ бўлган ҳолларда фойдаланганлар. Масалан, В.П.Наливкин наманганлик дехқонларнинг дараҳт шохларидан тайёрланган (тўқилган) «вал» деб номланувчи мослама ёрдамида буғдой ёки шолини янчиб олишларини айтиб ўтади. Ушбу мослама Фарғона водийсининг кўплаб ҳудудларида қўлланилган. Ушбу ўзига хос содда тузилишга эга бўлган бир йиллик мосламани ўзбек ва тожик дехқонларидан жанубий қирғизлар ҳам ўзлаштириб олганликларини С.М. Абрамзон ўз ишида таъкидлаб ўтган эди.

Унча катта бўлмаган экин майдонларида етиштирилган оз миқдордаги буғдой ёки шоли бошоқлари ҳамда даладан териб олинган шундай бошоқлар маҳсус тайёрланган тўқмоклар ёрдамида ҳам янчиб олинган.

Янчилган буғдой, шоли ва бошқа дон экинларини сомонидан ёки похолидан ажратиб олиш учун барча этник жамоаларда ёғоч курак, айри, бешлик (паншаха), ғалвир каби меҳнат қуролларидан кенг фойдаланилган.

Ғалвир доира шаклда бир неча ўлчамда тайёрланиб, тўрларининг кенг ёки торлиги билан ҳам бир-биридан ажralиб турган.

Дехқон хўжалиги учун ўта зарур ҳисобланган ушбу рўзғор анжоми, асосан Ўрта Осиёлик лўлилар томонидан тайёрланиб, бозорда сотилган. Лўлиларнинг турли гурухлари ҳосил янчилаётган хирмонларда ҳозир бўлишиб, ғалвирларини ғаллага ҳам айрибошлаганлар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, ўзаро хўжалик алоқалари натижасида Фарғона водийси ва унга туташ ҳудудларда яшаётган чорвадор халқлар ўтрок ўзбек, тожик, уйғур дехқонларидан кўплаб экин турларини экиш ва парваришилаш сирларини ўрганиб олганлар. Албатта, бу жараён қадим даврдан бошланган бўлиб, биз қўриб ўтаётган даврда ҳам давом этмоқда эди.

Бу ўринда А.С. Бежкович томонидан 1928 йилда қирғиз қарияларидан ёзиб олинган қуидаги ҳикоя эътиборга молик. «...қирғизлар ҳали экин-тикин билан шуғулланмаган жуда қадим замонларда бир қирғиз пиёда, тоғлар ошиб Андижонга боради ва бу ерда Фарғона дехқонларидан тариқ экиш, суғориш, ўриш ва янчишни ўрганади. Ўшандан буён қирғизлар тариқ экадилар ҳамда ундан бўтқа ва бўза тайёрлайдилар».

Умуман, тариқ, буғдой, арпа, жўхори каби бошоқли экин турлари водийнинг чорвадор аҳолиси хўжалигига биз ўрганаётган даврдан анча аввал ҳам етиштирилиб келинган. Кейинчалик ҳам Фарғона водийсининг дехқончилик ҳудудлари яқинида жойлашган яrim ўтрок аҳоли ўтрок дехқон аҳолининг таъсирида ўзлари учун одатий бўлмаган экин турларини етиштира бошладилар. Масалан, XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўтрок ўзбек аҳолининг таъсирида водийнинг шарқий ҳудудларида (Ўш, Ўзган,

Жалолобод ва бошқа шаҳар атрофларида) жойлашган қирғиз, уйғур ва турклар шоли етиширишга киришдилар.⁴⁰

Ушбу даврда Фарғона водийсининг жанубий қисмida жойлашган қишлоқларда бўлган рус тадқиқотчisi В.Н. Парфентьев ҳам бундай ҳолатни тасдиқлаб, қуидаги маълумотни қолдирган: «Водил қишлоғида ёзги яйловлар йўқ. Шунинг учун чорва ёзги манзилларига жўнайдиган қирғизларга топширилади. Қирғизлар чорванинг бут бўлишини таъминлайдилар ва ўз қишловларига кайтганларида йўл-йўлакай уларни эгаларига топширадилар»⁴¹.

Албатта, ёлланма чўпон ва уни ёллаган отар соҳиби ўзига муайян мажбурият олган. Аввало, чўпон олти ой ёки бир йил муддатга ёлланган. Чўпон ва унинг ёрдамчиси отардаги чорва сонининг камайишига йўл қўймай, тўлиқ сақлашлари керак бўлган, эгаси эса уларни, яъни чўпон ва унинг ёрдамчисини кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёлланган муддат ичида таъминлаган. Бундан ташқари, меҳнат хақи ҳисобига чўпон ва унинг ёрдамчиси маълум миқдордаги қўйларни олган.

Иш ҳақи сифатида бериладиган қўйларнинг сони белгиланаётганда, бир қатор шароитлар, хусусан, чорва қанча узоқликда ва қанча муддат яйловда боқилиши, отардаги ёки подадаги чорванинг сони ҳамда чўпон маҳорати ҳисобга олинган. Қипчоқ чўпонлари олти ой муддатга 4 бош қўй олганлар. Ёрдамчи чўпон эса нисбатан камроқ олган. Ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ёз ойларида ўз подаларини мумкин қадар дехқончилик қилинадиган воҳалардан узокроқ тутиб турганлар. Шу йўл билан дехқончилик воҳаларидағи экинзорлар чорва томонидан пайхон қилинишининг ҳам олди олинган.

Этник аралаш қишлоқларда шундай ҳолатни ҳам кузатиш мумкин бўлганки, қирғиз, қипчоқ ва бошқа азалий чорвадорлар ўтроқ аҳолининг

⁴⁰ Бежкович А.С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия... С. 33. Губаева С.С. Население Ферганской долины... С. 41

⁴¹ Парфентьев В.А. Селение Вуадиль // ЕФО. - Скобелев, 1904. Т. III. С. 68.

чорвасини бокишида кўмаклашсалар, ўтроқ аҳоли ўз ўрнида уйғурлар ҳам уларга дехқончилик ишларида ҳамда лой деворли уй-жойларни, хўжалик биноларини, жумладан, чорва ҳайвонлари учун оғилхона, бостирма, қўратиклашга ёрдам берганлар.

Бундай этник аралаш қишлоқларда ҳамда турли этник жамоалар ёнма-ён жойлашган худудларда дехқонлар билан чорвадорлар орасида хўжаликлараро алоқалар, бир-бирига таъсир кўрсатиш ёрқин намоён бўлиши табиий ҳол, албатта.

Хуллас, қадимдан «этномулоқот худуди» бўлиб келган Фарғона водийсида милоддан аввалги асрлардаёқ бошланган турли этник гуруҳлар орасидаги хўжалик алоқалари биз ўрганаётган даврга келиб анча жадал тус олган эди. Этнологик йўналишда бажарилган тадқиқотларда моддий маданият (туар жойлар, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, озиқ-овқатлар)ни, одатда, график тасвиirlар, режалар, чизмалар, расмлар, фотосуратлар ёрдамида батафсил таърифлаш, тавсифлаш ва илмий таҳлил қилиш ўзига хос анъанага айланган. Лекин аслида ушбу маълумотлар илмий этнологик тадқиқотларнинг бош мақсади эмас, балки асосий мақсадни исботлашга кўмаклашувчи тавсифий восита сифатида хизмат килади. Моддий маданиятни этнологик йўналишда тадқиқ этишдан кўзланган асосий мақсад ўрганилаётган обьектнинг халқ ижтимоий турмуш тарзи билан алоқадорлигини ёритиб беришдан иборат. Чунки, анъанавий моддий маданият намуналари инсоният меҳнати ва эҳтиёжи асосида яратилса-да, лекин унинг онгли тафаккури натижаси ўлароқ у ёки бу кўринишни олади. Шубҳасиз, бу ўринда моддий маданият намуналарида акс этувчи рамз, белги ғоя кўринишида ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, бу бевосита у билан боғлиқ тасаввурлар, эътиқодий қарашларни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бошқачасига этнологлар учун моддий маданият намуналари тавсифи эмас, балки уларнинг инсон билан алоқадорлиги қизиқарли ҳисобланади.

II.боб. Хўжалик анъаналари билан боғлиқ удумлар

2.1. “Авесто” дехқончилик билан боғлиқ удумларни ўрганишда муҳим манба

Бутун тарихий тараққиётлари давомида ёнма-ён ёки аралаш яшаб келган турли этник жамоалар ўртасидаги алоқалар турмушнинг барча соҳаларида юз берган. Юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолининг анъанавий хўжалик алоқалари биз кўриб чиқаётган даврда ҳам турли хўжалик-маданий типга мансуб этнослар ўртасида яққол намоён бўлади.

Дехқончилик билан қадим даврлардан бошлиб шуғулланган ва бу борада бой тажрибага эга бўлган ўзбек ва уйғурлар фарғоналик қирғиз, қипчок, қурама, турк, юз ва қорақалпоқ каби чорвадор халқларнинг ўтроқлашуви ҳамда дехқончиликка ўтишларида катта таъсир кўрсатганлар. Азалий чорвадор аҳоли дехқончилик билан шуғулланишга ўтар эканлар, ўтрок дехқон аҳоли таъсирида ўzlари учун одатий бўлмаган экин турларини, чунончи, шоли, пахта ҳамда ҳар хил полиз экинларини етиштиришни ўзлаштириб олганлар. Бунда улар ўтрок дехқон аҳоли томонидан кашф қилинган экин экиш ва уни парваришилаш билан боғлиқ кўплаб агротехника сирларини ҳам ўрганиб олганлар. Бу худудда яшаб турган чорвадор аҳоли ҳам ўз ўрнида водийлик турғун халқларни чорвачилик хўжалигининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатганлар.

Водий аҳолисининг қадимдан хўжалик ҳаётида дехқончилик муҳим ўрин тутади. Дехқончилик билан боғлиқ анъанавий удумлар ҳам қадимдан шаклланиб келган. Айниқса, энг қадимги манба Авестода ҳам Зардўшт ўзининг издошларига қолдирган зарурий мажбуриятлардан бири ҳар йили Ахура-Мазда билан унинг етти яратувчисига бағишилаб байрам қилиш эди. Уларнинг олтитаси гоҳамбарлар номи билан машҳур бўлиб, уларнинг анъаналари яратилиши ва таъкидланиши пайғамбар номи билан боғлиқ. Ушбу тантаналар ўзининг келиб чиқиши моҳиятига кўра чорвадор ва дехқонлар байрами ҳисобланиб, кейинчалик Зардўшт томонидан зардуштийликка киритилган.

Ахура-Мазда қонунларида күриқ ва бўз ерларни ҳайдаш ва ерни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли иш ҳисобланган. Вендиidotning учинчи фасли башоратида ёзилишича, «Ахура-Мазда ерга яхши, соғлом уруғ сепишдан ортиқ савоб иш йўқ дейди». Аллоҳнинг бу амрига итоат этиш, ўн минг ясна матнларини ўқиб ибодат қилиш ёки юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзалроқ ҳисобланган. «Оlam гўзаллиги дехқончиликдан, дейилади «Вендиidot»да. Кимки уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳакиқат бўлиб, қолгани саробдир». Яна бир фасл башоратида бундай дейилади: «Буғдой ўстира бошланса, девларни тер босади: совурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади. Ун тайёр бўлгач, девлар нола-ю фифон чекишади. Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одамлар егандан сўнг, девлар жуда қизишиб кетади ва қоча бошлашади»⁴². Ерга ишлов беришдан кейинги савоб озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонлари ва чорвани қўпайтиришdir. Зардушт Тангри номидан хукмдорларга қаратса бундай дейди: «Ёмон овқатланган ҳалқ на яхши, кучли ишловчиларига ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади...Ёмон овқатланишдан одоб, ахло ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул бўлади».

Зардустийларнинг кўплаб маросимлари излари халқимиз турмуш тарзида бугунги кунгача сақланиб қолган. Жумладан, дехқонлар ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни йиғиши билан боғлиқ ўтказиладиган байрамларнинг кўплари бевосита зардустийлик анъаналари билан боғлиkdir.

Фаргона водийси ўзбеклари орасида ҳам азалдан ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос рамзий ритуал тусини олган бўлиб, унда кекса зироаткорлардан бири Бобо Дехқон қиёфасига кириб қўш ҳайдашни бошлаб берган. Халқона тасаввурларга кўра, Бобо Дехқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, ўзгалар ҳақидан ҳазар килувчи, уларнинг меҳнат унумига унум қўшувчи пир бўлиб, у айни сахар пайтида дехқонлар кўтарган хирмонларда пайдо бўлади. Дехқонлар ўз фаолиятларига даҳлдор маросимларни бошлашдан аввал «Бобо Дехқоннинг ўзи

⁴² Маковельский А.О. Авеста ... — С. 86.

тарбият қилсин», деб дуои фотиха қиласидар. Умуман олганда, Бобо Дехқон культи Ўрта Осиёнинг аксарият маҳаллий аҳолиси орасида маълум ва машҳур бўлиб, ўзбекларда Бобо Дехқон, Дехқон буво, тожикларда Бобои дехқон, Хўжа дехқон, Хўжа Абдулла дехқон, қорақалпокдарда Диийханбобо, туркманларда Бабадайхан номлари билан ифодаланган⁴³.

Бобо дехқон тимсолини зироатчилар фақат бир қиёфада тасаввур қилмаганлар. Шунингдек, фақат Бобо Дехқонга бағишиланган (бирор кун белгиланган) маросим ҳам ўтказилмаган. Бобо Дехқон турли маросимларда тилга олинади ва унинг вазифасини қўп ўринларда соқоли оқарган кекса киши бажарган. Водийлик дехқонлар Бобо дехқондан етиштирилган ҳосилни тўкилиб-сочилиб кетишидан асраш, баракали ҳосил етиштириш ва йил давомида сувнинг мўл бўлишини, экинлар чанқаган вақѓда сувдан қийналмасликларини, ариқларда йил бўйи сув оқишини сўраганлар. Чуст тумани Какликкўрғон қишлоғидаги Тошмозор бува деб номланувчи муқаддас жойда ҳар йили баҳорда Бувои Дехқон ҳаққига курбонлик қилинган. Агар қишлоқ аҳли томонидан бирор йили қурбонлик қилинмаса, сойдан қишлоққа чиққан ариқ суви тошиб, ўз ўзанини бузиб ташлар экан. Ариқ сойдан 5—6 метр баландликда жойлашгани учун уни қайтадан тиклаш одамлар учун жуда катта қийинчиликлар туғдирган. Шу боис қишлоқ аҳолиси томонидан ҳар йили ўзаро йигилган маблағга сотиб олинган қўй ушбу мозорда курбонлик учун сўйилади.

Энди эса мазкур удумнинг генезисига бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтсак. Ҳозирги кунга қадар қатор тадқиқотчилар томонидан мазкур удум генезисига оид турли қараашлар билдирилган. Бобо дехқон культи юзасидан мулоҳаза юритган барча тадқиқотчилар уни исломдан аввалги маҳаллий аграп культлар билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Бироқ, Бобо Дехқон культини исломгача бўлган айнан қайси культ билан боғлиқлиги борасида ҳануззача ягона бир тўхтамга келинмаган. Бу борада айрим муаллифлар мазкур

⁴³ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. –Б.27

культни қадимги аждодлар эътиқоди билан боғлиқдеб ҳисобласалар, бошқалари исломгача бўлган даврдаги дехқончилик культи хизматчилари институти ва аграр культлар билан боғлаб талкин қиласидилар⁴⁴. Таникли элшунос олима О.А. Сухареванинг ёзишича, Библия ва исломий қарашларга кўра, Одам Ато биринчи дехқон ва дехқончиликнинг ҳомий пири бўлган. Ислом таъсирида Бобо Дехқон Одам Ато билан алмашган бўлиб, ҳар бир кишлокда энг кекса ва тажрибали дехқон унинг ўринбосари тарзида дехқончи-лик ҳомийсига бағишлиб баҳорда далага дастлабки қўшни олиб чиқиши билан боғлик тарзда ўтказиладиган маросимлар ва урф-одатларни бошқарган⁴⁵. Дарҳақиқат, мазкур культнинг исломгача бўлган маҳаллий эътиқодий қарашлар билан боғлиқлиги, шубҳасиздир. Буни мазкур атама этимологияси ҳам тасдиқлайди. Тарихий-лингвистик адабиётларга кўра, айнан араблардан кейингина асосий машғулоти дехқончилик бўлган кишилар «дехқон» сўзи билан ифодаланган. Арабларгача «дехқон» атамаси йирик ер эгаларига нисбатан қўлланган⁴⁶. Бу эса ўз навбатида Бобо Дехқон билан боғлик тасаввурлар ва маросимлар ўзида ислом даврида ўзининг иккинчи мазмунини сақлаб қолган архаик культ қолдиги эмас, балки исломгача бўлган даврдаги кучли илоҳнинг машҳур культи қолдиги эканлигидан далолат беради.

Биз мазкур культ тарихий асосини аниклашаш учун зардуштийлик илоҳларига мурожаат қиласиз. Зардуштийлик дини муқаддас илоҳлари ва улар бажарган вази-фаларига эътибор қаратиб айнан мазкур илоҳлар орасида Митра ва унинг ўзига хос ваколатларида маълум маънода Бобо Дехқон культи параллели (мувозийлиги, ёндошлиги)га дуч келамиз. «Авесто»да Митра гоҳ табиатнинг умумлашган кўринишида, баъзан ахдлашув илохи, айрим ҳолларда курраи заминдаги подшохлар ҳомийси сифатида намоён бўлади. Митра шарқ халқлари илоҳиятининг маъбути, милоддан икки минг

⁴⁴ Кароматов X. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи.-Т: 2008. -Б.66.,

⁴⁵ Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. Т., 1960. — С. 26.

⁴⁶ Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. Т., 1960. — С. 30.

йиллар аввал ҳам аждодлармизнинг асосий эътиқод объектларидан бири бўлган. У одатда, сахар чоғида бутун оламнинг илохий ҳукмдори тарзида осмон ва ер ўртасида бўлаётган воқеаларни кўздан кечириш мақсадида қўлида олтин гурзиси билан барча ҳудудларни айланиб чиқсан. Митранинг ўнг ва сўл тарафларида илохий ҳакамлар Сраоша ва Рашну, олдида бўлса чопқир тўнғиз қиёфасида Вератрагна ҳамда ён атрофида эса айланана тарзда ўраб олган ўсимликлар ва сув, тақводор руҳлар - фравашилар кузатиб борганлар. Бу пайтда Митра самовий таомлардан озиқланувчи тўртта катта айғир отга қўшилган қуёш аравасида бўлган. Айғирларнинг олдинги тўёқларига олтин, орқасидагига эса кумуш тақалар қоқилган бўлиб, араванинг барча ғилдираклари мўъжизавий тарзда⁴⁷

Дехқонлар тасаввурларига кўра, Бобо Дехқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, ўзгалар ҳақидан хазар қилувчи, улар меҳнат унумига унум қўшувчи пир хисобланиб, у айни сахар чоғида хирмонларда пайдо бўлар экан. Мабодо, у дехқон хирмонига яхши назар солса, донлар қўпайиб, похол камаяди, ҳосилнинг баракаси ошади деб тасаввур қилинган. Республикализнинг Фарғона (Фарғона, Олтиариқ туманлари), Наманган (Тўракўргон, Чуст туманлари вилоятларида буғдой ўримида ғалвир тоза донга тўлдириб олинади ва хирмондаги чошни айлантириб, қасқони устидан тўкилган. Чошнинг барча томони ёпилгач, ғалвирда қолган дон чош устига сепиб юборилади. Гўёки шу билан чошнинг бели боғланган. Дехқонлар тушунчасига кўра, бу одат чошни ёмон кўзлардан, инс-жинслардан асрап ва Бобо Дехқон хирмоннинг баракасини берар экан. Хоразмда эса хирмонни бошқарувчи ёшулли чошнинг тепасига «барака кесак» қўйган. Бу кесакни маҳаллий ахоли Хизр кесаги, барака кесаги, ёки тоза кесак деб атаганлар. Қашқадарёнинг ўрта ва юқори қисмларида бу урф-одатнинг ўзгачароқ шаклини учратиш мумкин. Яккабоғ туманида дон чош қилинганидан сўнг унинг турли жойига бешта тош (баъзан тош ўрнига қаттиқ эзилмайдиган девор кесаги) қўйилган. Чош белига эса хирмонда

⁴⁷ Аширов А. А. Ўзбек ҳалқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. -276 б.; Кароматов X. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи.-Тошкент: 2008. -664 б.,

ишлатилган асбобларнинг баъзилари ташлаб қўйилган. Бу одат чошнинг белини боғлаш деб номланган. Атрофига қўйилган сопол ёки тош *барака тошлари* деб юритилган. Зироатчилар ҳомийси Дехқонбобо қуёш чиққунга қадар хирмонга назар ташлар экан, «Худо ол қулим», деса чошнинг баракаси ортиб, барака тошлари ёмон кўзлардан ас-раркан. Аҳоли ўртасида чошнинг беш жойидан қозик қоқиб, ип тортиш, беш жойига барака тоши қўйиш, чош белига белбоғ тортиш донни ёмон кўз, нопоклар, эгри қўллардан асрайди, деган тушунча мавжуд⁴⁸.

Демак, мазкур маълумотлардан Бобо Дехқон билан Митранинг ўзаро боғлиқлиги ва айнан Бобо дехқон образида Митранинг трансформациялашган кўринишини кузатиш мумкин. Бу ўхшашликни аввало Митра ва Бобо дехқоннинг қуёш чиққунга қадар келиши ва улар ҳар иккисининг ҳам қутбарака ва ҳомийлик функцияларини адо этишида кўриш мумкин. Қолаверса, уларнинг ҳар иккиси ҳам оқ кийим кийган кекса нуроний қиёфасида тасвирланади. Бундан ташқари Митра қўлида олтин гурзи ушлаган бўлса, Бобо Дехқон кўпинча ҳасса таянган нуроний қария сифатида тасаввур килинган. Чошнинг белини боғлаб унинг устига барака кесагини қўйиш одатида йигилган ҳосилни магик ҳимоя килиш эмас, балки уни Бобо Дехқон томонидан муҳрланишини рамзий ифодалаш мақсади ётган. Қолаверса, юқорида қайд этилганидек, Митра ҳам аҳд-паймон, ҳам ўзаро келишув-битим илоҳи бўлган. Бобо Дехдон ва Митра культиларидаги ўзаро ўхшашликлар Митра культининг ислом таъсирида ўзгариб Бобо Дехқон культига айланганлигидан далолат беради.

Зардуштийларнинг энг катта тантаналаридан бири «Сада» байрамидир. Фирдавсийнинг «Шохнома» китобида ёзилишича, «Сада» Эрон қуёш тақвимининг ўн биринчи ойи — баҳманинг учинчи кунида байрам қилинган. Бунда одамлар олов ёқиб, киш заҳрини дағн этиш учун тутатқичлар тутатадилар, ҳатто шу кечада олов ёқиб алангалатиш, шу оловга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, аланга ичига паррандаларни учирив ва (олов) атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилганлар. Хуллас, зардуштийлар байрам ва маросимларидан бири "Сада" пайтида гулхан

⁴⁸ Шаниязов К. К этнический истории узбекского народа... С. 55-56.

ёкиш ва олов атрофида ўйин-кулги қилиш, еб-ичиш билан биргаликда келаётган барча зиён, бало-қазоларни бартараф қилиш мақсадида сопол идишларини ерга уриб синдириш асосий одатлардан бири бўлган.⁴⁹

Тадқиқот жараёнида Фарғона водийси оила турмуш анъаналарида ҳам "Сада" байрамига ўхшашиб маросимни кузатдик. XX аср бошларида водий шимолида жойлашган Косонсой шаҳрида сафар ойининг охирги чоршанба куни "Сафар қочти" маросими ўтказилган. "Бу кун маҳаллаларда катта-катта гулханлар ёқилган. Барча одамлар турли бало-қазоларни даф этиш мақсадида «Алас-алас, барча балолардан халос», деб гулханлардан сакраганлар ва сопол идишларни ерга уриб синдирганлар. Ҳозирга пайтга келиб бу маросим водийда ўтказилмайди. Фақат қариялар хотираларидағина сақланиб қолган⁵⁰.

Зардуштийлик таълимотида оловдан ташқари сувга нисбатан ҳам алохида тартиб-қоидалар ишлаб чиқилган. Зардуштийларда сув муқаддас унсур саналиб, аввало унинг тозалиги борасида қайғурилган. Бунинг учун сув манбалари дарёлар, кўллар ёки қудукдар ҳар қандай нопокликлардан қатъий химоя қилинган. Агар маросими нопок бўлган қандайдир нарсани ювиш лозим бўлса, сув маҳсус жойга тўпланган, лекин шунда ҳам нопок нарса тўғридан-тўғри сув билан ювилмаган. Бунда нопок нарса аввал сигир сийдиги билан ювилиб, күёшда ёки қумда қуритилган ва сўнгра якуний поклаш мақсадида сув билан ювилган. Шунингдек, ёмғир ёқсан пайтда ташқарига чиқиш тақиқланган, чунки бу билан сувни ва ерни «макруҳ» қилиб қўйиш мумкин дейилган.

Сувни муқаддас санаб уни эъзозлашга оид қарашлар ислом динида ҳам мавжуд. Жумладан, исломда сувни тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф қиласликка даъват этилади. Сувни исроф қилиш ва булғаш оғир гуноҳ ҳисобланган. "Авеста"да бу борада "Покиза сув ва ёниб турган олов олдида

⁴⁹ Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар ... — Б. 275.

⁵⁰ Аширов А. А. Ўзбек ҳалқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. -Б.49

густоҳлик килган зотнинг дўзахда топгувчи жазоси бу дунёning жамики дарду озорларидан мудхишдир", дейилади.

Тадқиқот жараёнида Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида ҳам сув ўзига хос муқаддас унсур сифатида эъзозланишини кузатдик. Жумладан, водийда ҳам сувни бемаврид исроф қилиш, уни булғаш, сувга тупуриш ва нопок ифлос нарсаларни сувга ташлаш қатъий тақиқланган бўлиб, бундай ишларни қилиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Сув келадиган ариқлар, каналлар ва зовурлар ҳар йили эрта баҳорда ҳашар йўли билан тозаланади. Янги каналлар, ариқлар қазиш эса энг савобли ишлардан бири бўлган.

Зардуштийлик эътиқоди анъаналарига оид фикрларимиз якунида хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаймизки, одамларни дарёлар мусаффолигига ва тупроқ унумдорлиги ҳакида ғамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик дини айнан бизнинг заминимизда вужудга келганилиги ва ушбу дин нафакат эронийзабон, балки туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи маънавий дунёқараши шаклланишида асосий омил бўлганлигига тадқиқот жараёнида амин бўлдик. Шубҳасиз, бу мулоҳазанингтўғри эканлигига ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи, тарихий этнографик хусусиятлари, миллий маданияти, тафаккур, ментал хусусиятлари борасидаги кузатувларимиз жараёнида яна бир бор ўз тасдигини топди дейиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ўзбек халқини минтақага хос қадимий цивилизация ва қамусий-диний, фалсафий асар "Авеста"га ворислигини яна бир бор тасдиқлайди. Айнан ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ миллий этник хусусиятларни таҳлил қилиш ўзбеклар маънавий руҳий дунёқараши тизимига "Авес-та"нинг таъсири бекиёс эканлиги ва ўзбек феномени тушунчаси шаклланишида муносиб ўрин эгаллаши далолат бермокда.

Зардуштийлик қадимда ўтмиш аждодларимиз ҳаётидаги асосий диний эътиқодлардан бири бўлиши билан бирга ислом дини кириб келгандан кейин ҳам халқимиз турмуш тарзида ўз изларини сақлаб қолганлиги ва ҳаттоқи халқимизнинг бугунги кундаги оила турмуш маросимларида ҳам синкетик тарзда давом этиб келаётганлиги тадқиқот давомида ўз исботини топди. Амалга опшираётган

маросим ва урф-одатларда зардуштийлик излари исломий маросимлар билан биргаликда синкетик (қоришишган) тарзда яшаб келмоқда.

2.2.Деҳқончилик билан боғлиқ удумларнинг трансформациялашув жараёни

Инсоният цивилизациясининг қадимги марказлари шаклланиши ва тараққиётида деҳқончилик маданияти муҳим роль ўйнаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Шарқ цивилизациясида деҳқончилик маданияти ривожи суғорма деҳқончиликка асосланганлиги билан ажралиб туради. Тарихий тадқиқотлардан маълумки, қадимги Миср ва Месопотамияда милоддан аввалги VII, Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида эса милоддан аввалги VI минг йиллиқдан бошлаб инсоният илк деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулана бошлаган ҳамда дастлабки чорвачиликни йўлга қўйган, яъни одам табиат инъомларини ўзлаштириб қолмасдан, ўзи ҳам яратувчилик фаолиятини бошлаган⁴⁰⁹. Ўрта Осиё заминидаги энг қадимги зироатчилик маданияти «Жойтун маданияти» бўлиб, у милоддан аввалги VI-V минг йилликларда шаклланган⁵¹.

Жамиятдаги бу тараққиёт Ўзбекистон худудида ҳам ўзига хос қўринишда юз берган. Илк деҳқончиликнинг ибтидоий шакли неолит даврида бошланган. Бироқ, суғорма деҳқончилик ибтидоси милоддан аввалги II минг йиллик бошида қадимги Бақтрия худуди (Сурхондарё вилояти)да кузатилади. Археолог олимлар хulosаларига қўра биз учун тадқиқот обьекти бўлган Фаргона водийсида бу жараён милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан бошланган.

Қадимги анъанавий деҳқончилик хўжалиги ва у билан боғлиқ маросимлар ҳамда аграр культлар тарихчи, археолог ва этнолог олимлар учун доимо долзарб

⁵¹ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландштафнинг ташкил топиши // Ўзбекистан худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. — Т., 2006. — Б. 13.

ва қизиқарли муаммолардан бири бўлиб келган. Бу борада мутахассислар амалга оширган илмий тад-қиқотлар туфайли маълум бир амалий натижаларга ҳам эришил-ган⁵². Ўзбекистан ҳудудидаги зироатчилик маданияти тарихи, сугорма дехқончилик шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда у билан боғлиқ бўлган урбанистик жараёнлар доимо долзарб муаммолардан бири ҳисобланган.

Аграп культлар борасида жаҳон фанида бой тажриба тўпланган бўлиб, немис фольклоршуноси В. Маннхардт илк бора дехқончилик билан боғлиқ турли афсоналар ва образларда ўсимликлар оламининг жонланиши сирлари намоён бўлиши муаммосини илгари сурган. В. Маннхардтнинг таъкиддашича, маросимлар ва культлар асосида инсон табиатдаги ўзга мавжудотлар сингари ўсимликларда яшайди, деган нуқтаи назар мавжуд бўлган. Олимнинг фикрича, руҳнинг ўсимликка эврилиши тўғрисидаги қуий мифология юқори илоҳлар тўғрисидаги мифологияга асос бўлган. Айнан қуий мифология ўзига хос яшовчан бўлганлиги туфайли унинг излари дехқончилик маросимларида яхши сақланиб қолган.

Машҳур инглиз тадқиқотчиси Ж. Фрэзер Маннхардт маълумотларига таянган ҳолда қадимий аграп дунёқарашга оид манзарани қайта тиклаган ва унинг ривожланиш босқичларини кўрсатган ҳамда антик культлар маданиятнинг турли ривожланиш босқичларида оралиқ бўғин тарзида муқим аҳамиятга згалигини таъкидлаган⁵³. Қолаверса, замонавий диншунослик фани асосчиларидан бири магик қарашлар ва ритуаллар билан Европа халқлари дехқончилик маросимларининг ўзаро боғлиқдигини кўрсатиб беришта уринган.

Ўз навбатида шуни ҳам қайд этиш лозимки, дехқончилик ўзбекларнинг қадимги машғулотларидан бири ҳисобланган. Асрлар давомида тажриба ва усуслар, нозик фенологик кузатишлар асосида ўзига хос дехқончилик анъана ва

⁵² Басилов В.Н. Божество аграрных культов // Культ святых в исламе. — М., 1970. - С. 10.

⁵³ Фрэзер Д. Золотая ветвь. — М: Политиздат, 1986., Басилов В.Н. Божество аграрных культов // Культ святых в исламе. — М., 1970. - С. 10.

маросимлари шаклланган. Мазкур аньаналарда диний-мифологик қарашлар ва ритуаллар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Умуман олганда, дехқончилик билан боғлиқ урф -одатлар, маросимлар халқ тафаккурининг ғаройиб мўъжизаларидан биридир. Ўзбек халқи қадимдан уларга амал қилган, шу билан бирга, уларга таалтуқли қоидалар, дуолар, айтимлар ва аломатлар ҳам яратилган.

Дехқонларнинг табиат инжикиллари олдидағи ожизлиги, сермашаққат меҳнат эвазига етиширилган ҳосилнинг табиий оғатлар туфайли нобуд бўлиши ва табиатнинг уларга номаълум қўринмас кучларидан қўрқув улардан кутилиш чораларини излаш ҳамда дехқончилик билан боғлиқ қатор магик маросимлар бажарилишига асос бўлган, шубҳасиз, мазкур маросимлар ва урф-одатлар илдизи жуда узоқ даврга бориб тақалиб, қадимги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлган. Дехқончилик билан боғлиқ равишда ўтказилган урф-одатлар, маросимлар турли агарар қультларнинг магик (сехргарлик) кучига бўлган инонч асосида шаклланган. Шу боисдан ҳам дехқончилик билан боғлиқ удум ва маросимларнинг кўплари исломгача бўлган табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш, осмон ва ер илоҳларига сифинишга асосланган. Шарқнинг дехқончилик воҳалари аҳолиси қадимий турмуш тарзида муҳим ўринни эгаллаган ўлиб қайта тирилувчи илоҳлар культи таниқли диншу-нос олим В.Н. Басилов фикрича, айнан ислом таъсирида унutil-ган. Бироқ тарихий-этнографик материаллар шундан далолат берадики, қадимги агарар қультлар ислом кириб келиши билан буткул йўқ бўлиб кетмаган, балки исломий қарашлар билан қоришган ҳолда (синкремтик) тарзда ёки уйғунлашган ҳолда сақланиб қолган ва ҳатто асрлар оша XX асргача етиб келган. Хуллас, Ўрта Осиё ҳалқларига хос қадимий агарар қультларни тадқиқ этиш, биринчидан, қадимги дехқончилик билан боғлиқ диний эътиқодий қарашлар тавсифига оид янги материаллар беради, иккинчидан, уларнинг исломий қарашлар билан ўзаро уйғунлашиш қонуниятларини аниқлаш имкониятини яратади.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳалқлари қатори водий ўзбеклари анъа-навий дехқончилиги ҳам шарқ ҳалқдари тақвими асосида олиб борилган. Баҳорги

дала ишлари, маҳаллий тақвимга кўра, янги йил қуёшнинг балиқ (хут) буржидан қўй (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтгай вакғдан бошланган. Ҳозирги амалдаги ой календари бўйича бу 21 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олган. Бошқачасига, дастлабки дехқончилик юмушлари Наврўз тантаналари билан бир пайтда бошланган.

Наврўз айёми дехқонлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Чунки юқорида таъкидланганидек, айнан шу кунларда экин экиш, дала, боғ юмушларига киришилган. Дехқонлар, боғбонлар ва чорвадорлар аёзли кунлардан эсон-омон чиқиб, баҳорнинг илиқ кунла-рини интиқдик билан кутиб, катта дехқончилик ишларига жиддий тайёргарлик кўрганлар. Омоч-бўйинтуруқдар, молаларни созлаб, тахт килганлар, отлар совутилган, аравалар тузатилиб ишга яроқли ҳолга келтириб қўйилган. Асосий ишчи кучи ҳисобланган хўқизлар яхши парваришланиб, улар ер ҳайдашга олиб чиқилган. Шу боисдан ҳам ўрта асрларда Бухорода бу дехқончилик байрами «Наврўзи кишавар-зон» - «дехқонлар байрами» деб номланган. Заҳматкаш дехқонлар айнан ушбу кун далага қўш чиқариб ерга дастлабки урутни қадаганлар. Андижон ўзбекларида баҳорги ер ҳайдашни шанба куни бошлаш лозим дейилган. Хоразм ўзбеклари орасида эса ҳосил баракали бўлиши учун душанба ва чоршанба кунлари ер ҳайдаб экин экиш хайрли амал ҳисобланган. Бошқа кунлари ер ҳайдаш ҳосиятсиз деб ҳисоблангани боис ҳафтанинг бошқа кунлари ушбу фаолият тақиқланган. Ер кундуз куни бўлса шимолга, кечаси эса жанубга қараб ҳайдалган⁵⁴.

Дехқончилик билан боғлиқ агромаданият анъаналарида баҳорги экиш мавсумида далага биринчи қўш чиқарийш маросими муҳим аҳамият касб этган. Чунки етиштириладиган ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумининг ўз вактида сифатли ўтказилишига боғлиқ

⁵⁴ Нарзиқулов А. Дехқон тақвими. — Т.: Мехнат, 1991. — Б. 7-11.

бўлган⁵⁵. Шу сабабга кўра жаҳон халқлари этнографиясида далага илк бор қўш солиш, ерга уруғ сепишга алоқадор маросим ва удумлар кенг кўламда тадқиқ этил-ган.

XX асрда анъанавий дехқончилик машғулоти замонавий техника тарақдиёти билан уйғунлашган даврда ҳам баҳорги дехқончилик юмушларини бошлишдан аввал маросимий курбонлик килиш одати сакданиб қолган ва ҳатто бугунга қадар давом этиб келмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғида баҳорги дала ишларини бошлишдан аввал фермерлар уюшмасидаги тракторчилар машина-трактор паркида тўпланиб Пир Довудга бағишлиб хўroz сўйиб курбонлик киладилар. Бу, биринчидан, баҳорги дала юмушларини бошлишдан аввалги курбонлик бўлса, иккинчидан, тракторчиларнинг маросимий курбонлик килиш орқали темирчилик пири хисобланувчи Ҳазрати Довудга бўлган эҳтиромлари рамзидир.

Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган динларида мухим аҳамиятга эга бўлган дехқончилик культлари жуда тез унутилиб кетган. Бунинг сабаби улар расмий культлар ҳисобланиб, бир груҳ қоҳинлар тасарруфида бўлган ва ислом кириб келган дамлардан бошлиб қоҳинликнинг йўқ қилиниши билан бирга ушбу культлар ҳам унутилган. Лекин бу культлар расман буткул кундалик ҳаётдан чиқиб кетган бўлсада, халқ орасида улар билан боғлиқ алоҳида анъаналар, инончлар ва маросимлар сақланиб қолган.

Водийнинг кўплаб худудларида баҳорги ишлар одцидан масжид ёки мозорлар яқинида «худойи» қилинади. Косонсой тумани дехқонларининг Косонсой шаҳридаги машхур Садпирикомил мозорида, Чуст туманидагиларнинг Бувамозор зиёратгохида худойи ўтказиш анъанаси

⁵⁵ Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида «шоҳ мойлар» ёки«биринчи қўш» удуми // Ўзбекистан худудида дехқончилик маданиятининг тарихий иддизлари ва замонавий жараёнлар. Т., 2006. - Б. 84.

ҳозирга қадар сақданиб қолган. Мазкур маросим кўпинча март ойи бошларида кекса дехқонлар, оқсоқоллар бошчилигига ўтказилади. Авваллари ҳар бир хонадондан буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланган бўлса, кейинга вақларда маълум миқдорда маблағ ҳам қўшиб йиғилмоқда. Тўпланган пулга бозордан бузоқ ёки қўй сотиб олиниб, қурбонлик учун сўйилган гўшт пиширилган⁵⁶. Таом тайёрлангунга қадар қишлоқ эркаклари томонидан уч-тўрт гурухга бўлиниб, қишлоқ ариқлари тозаланган ва баҳорги шудгор оддидан «ис чиқариш» маросими ўтказилган. Ҳар бир оилада аёллар бўғирсоқ, чўзма («ис») пиширганлар. Қозондаги мой яхшилаб қизитилгандан сўнг унга ҳамир ташланган. Гўё шу мой қизишидан мархумларнинг руҳлари шод бўлиб, ўз қариндош-уруғларига омад тилар эканлар.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида эрта баҳорда далаларга сув келадиган асосий ариқ ва каналлар ҳашар усулида лойқадан тозаланган. Ҳашар охирида ушбу ариқ, каналларга сой ёки дарёлардан сув очилиб, қурбонлик маросими ўтказилган. Маҳаллий аҳоли ушбу маросим учун ҳам пул, буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўплаб, пулга «жонлик» (бузоқ, бўз бия, оқ тойчоқ, кўчкор ёки эчки) сотиб олганлар ва уни қурбонлик учун сўйганлар. Ўрта Осиёнинг баъзи бир ҳудудларида бўғизланган ҳайвон қони сувга оқизилган ёки танаси ҳам сувга ташланиб, сўнгра уни сувдан олиб чиқилган. Хоразмда янги ариқ қазилиб, у Амударёга уланганда, хоннинг буйруғига кўра, мазкур ариқда доимо сув бўлишини тилаб 8—10 та сигир ва ҳўқизлар қурбонлик қилиб ташланган. Сўнгра дехқонлар сувга тушиб бўғизланган ҳайвонларни олиб чиқишган ва ундан турли таомлар тайёрлаб шу ернинг ўзида ейишган⁵⁷. Бу одат қадимда сув илоҳдари учун одамларни қурбон қилишнинг сақланиб қолган кўринишларидан бири хисоб-ланади. Фарғона водийси Чотқол тизмаси ён бағридаги Сумсорсойнинг икки

⁵⁶ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. –Б.67

⁵⁷ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. –Б.69

қирғоғида жойлашган Дам ва Какликкўрғон кишилекларида ҳам сойдан қишлоқ ариқларига сув очиш жараёнида ҳалим маросимий таом бўлиб, у асосан, турли диний ва оммавий маросимларда пиширилган. Ҳалим тайёрлашнинг ўзига хос технологияси бўлиб, узоқ вақтни талаб қилганлиги боис сув тўлдирилган қозонга сўйилган қўй гўшти ва буғдой ташланиб, қарийб бир сутка мобайнида қайнатилган. Ҳашар ва унинг турли-туман кўринишлари борасида юқоридаги каби қурбонлик маросими ўтказилган. Дехқончилик пири бўлган Бувои Дехқонга бағишлиб қўчкор қурбонлик қилинган⁵⁸. Андижонда агар сурункали ёмғир ёғмаса, қишлоқ ёки маҳалла қабристонига бориб мол сўйилган. Фарғона вилояти Фарғона туманида дехқонлар ўз экин майдонлари четларига қурбақаларни тутиб келиб осиб қўйишиган. Улар қурбақа ёмғир чақиради, деб ишонишган⁵⁹. Ҳозирда ҳам водийда «Қурбақани ўлдирган одам-нинг тўйида ёмғир ёғади» деган тушунча сақланиб қолган. Биз бу ўринда қурбақанинг маълум маънода, намгарчилик ҳомийси сифатида намоён бўлишини кўрамиз. Ўрта Осиёда қурбақанинг намгарчилик тимсоли бўлганлигини машхур археолог ва санъатшунос олим Л.И. Ремпель ҳам тасдиқлаб, «Ўрта Осиё халқлари санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси, баҳт ва омад тимсоли, бамисоли тумор сифатида фойдаланилган», - деб ёзади. Дарҳақиқат, қадимда қурбақа образи маълум маънода ёмғир, намгарчилик рамзи ҳисобланган бўлиб, дунё халқдарининг кўпчилигига унинг ёғингарчилик билан боғлиқлиги тўғрисида турли талқинлар учрайди⁶⁰. Таникди элшунос олим К. Шониёзовнинг ёзишича, қарлукдар эрта баҳорда далага биринчи марта омоч солишдан аввал "ис" чиқаришган. Улар қозонга мой солиб қиздиришган ва кейин унга бўғирсоқ ташлаб, пишириб олганлар. Халқ қарашларига кўра, вафот этган аждодлар рухлари ана шу "ис"дан баҳраманд бўлиб, ўз яқинларига омад

⁵⁸ Бўриев О. Ҳашар элга ярашар // Ўзбек халқининг боқий қадриятлари. — Қарши, 2005. — Б. 57-67.

⁵⁹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона кишлоғи. 2013 йил.

⁶⁰ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. –Б.69

тилашар экан. Пиширилган бўғирсоқни қўни-қўшнилар, яқин қариндошлар биргалашиб истеъмол қилганлар, ҳатто кўшга қўшиладиган хўқизларга ҳам бир оз бўғирсоқ едирилган. Умуман, ўзбек ва тожик дехқонлари орасида баҳорда дастлабки ҳайдовдан олдин хўқизлар шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаш одати кенг тарқалган. Хоразмдаги ўзбек мангитлари орасида баҳорда дастлабки ерга экин экишда «ҳазрати одамнинг хақига» деб хўқизлар шохи мойланган⁶¹. Ахборотчилар маълумотларига кўра хўқизлар шохларини "ис" ёғи билан мойлаш билан бирга далага олиб чиқилаётган хўқизларни ёмон кўздан асрасин, деган ниятда уларга тумор тақиши одати ҳам бўлган. Кексаларнинг таъкидлашларича, ушбу иримда шохлари мойланиб, бақувват бўлган хўқиз йил бўйи ҳормай-толмай ишласин, деган магик ният ўз ифодасини топган.

Фаргона тумани Каптархона қишлоғида авваллари далага дастлабки қўш чиқарилаётганда дехқонлар янги либосларини кийиб, ушбу кунни тўкин-сочинлик ва шоду хуррамлиқда ўтказишга ҳаракат қилганлар. Удумга биноан биринчи қўшни қишлоқнинг ёши улуғ кишиларидан бири бошлаб берган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу куннинг бундай тантана билан ўтказилиши биринчи кун магиясига алоқадор бўлган. Биринчи кун магиясига кўра, бирор - бир фаолият ёки йилнинг бошланиши қандай бўлса, ўша фаолият йил ниҳоясига қадар ана шундай руҳда давом этади, деган тасаввур ҳукмронлик қиласиди⁶². Қолаверса, кекса ёшли, бола-чақаси, невара-чевараси кўп пиру бадавлат, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли кишининг биринчи қўшни ҳайдаб бериш одати унинг хўжалик юритишдаги бой тажрибаси билангина боғлиқ бўлмаган. Бу ўринда узок умр кўрган, серфарзанд, бадавлат кишининг ўзига хос рамзий фазилатлари заминга,

⁶¹ Ер ҳайдайдиган хўқизлар шохини мойлаш одати Ўзбекистан ва Тожикистон ҳудудида кенг тарқалган. Бу тўғрисида батафсироқ каранг: Андреев М. С. Таджики долины Хуф. Т. 2 // Известия АН ТаджССР. - 1958. - С. 62; Шаниязов К. К этнической истории ўзбекского народа. — Т., 1974. — С.-174.

⁶² Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. -Б.89

етиштириладиган ҳосилга ўтишига қаратилган ўзига хос магик қонуният айнан кекса кишининг дастлабки қўшни бошлаб беришига сабаб бўлган. Дехқонларнинг биринчи марта ер ҳайдаш учун қўш ва хўқизларни ҳам маҳсус тайёрлаш одати маълум маънода қадимги аграп культлар билан боғлиқ. Ўрта Осиёда қадимда хўқиз серпуштлик рамзи хисобланган ва шу боис ерни омоч билан ҳайдаш орқали унинг ғайритабиий хусусияти ерга ва этиштириладиган ҳосилга ўтиши мумкин, деган архаик қараш асос бўлган бўлса керак.

Биз ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда шуни таъкидлашимиз жоизки, аждодларимиз қадимдан дехқончиликда афсонавий табиат культини антропоморф шаклда тасаввур қилганлар ва уни ўзларининг мифологик ҳомийси деб билганлар. Кейинчалик мазкур культга бўлган эътиборнинг ўзгариши натижасида у унутила бошлаган ва айнан дехқончилик билан боғлиқ айrim урф-одатлардагина қолдиқ кўриниши тарзида сақланиб қолган.

Фаргона водийси қипчоқлари орасида ерга дастлабки уругни сочишдан аввал дуои фотиха қилинган ва кекса дехқон қўлидаги донга уч марта куф-суф қилиб дам солган ҳолда ерга сочган. Дехқонлар биринчи уруши сочишида доимо қурт-кумурсқалар ҳаққи деб сочганлар. Дехқончиликка оид рисолада ёзилишича: «гарчи дехқон-ларнинг гуноҳлари кум барханларидай бўлса-да, қушлар уларнинг барча гуноҳлари учун истиғфор келтириб туради...» Таниқди эл-шунос олим К. Шониёзов бу одатни қадимий диний тасаввурлар билан боғлиқ бўлса керак, деб хисоблайди⁶³.

Фаргона водийси дехқонлари тасаввурида Ҳазрати Хизр кишиларга баҳт, барака улашувчи пир ҳисобланганлиги боис водийда унинг номи билан боғлиқ қўплаб ривоят ва қадамжолар учрайди. Дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли Хўжайи Хизр зиёратгоҳи тупроғидан «дехқончилигимизга кут-барака берсин», деган ниятда

⁶³ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. -Б.69

олиб кетганлар. Кўқон шахри ва унинг атрофидаги қишлоқларда эрта баҳорда дехқончилик билан боғлиқ жуда қизик урф-одат бажарилади. Жумладан, Кўқон шахри Урганчибоғ маҳалласида истиқомат килувчи Ж.Акбаровнинг таъкидлашича, дала юмушлари бошланишидан аввал дехқонлар ўзларининг оиласари билан Риштондаги Хизр бувам мозорини зиёрат қилишга борадилар. Зиёратга келганлар ўзлари билан озгина дон (буғдой ёки арпа), хонадон супрасининг ҳамиртуруши билан арқон, қўрғоишн, тўғноғич, исириқ, пул, сув оладилар ва ушбу нарсаларни маълум муддатга мозордаги мақбара оддига қўйиб қўядилар. Улар келаётган дехқончилик йилида еrimiz қўйилган ҳамиртурушдек йил давомида қўпчиб турсин, бу йилда дон-дунимиз баракали бўлсин, супрамиз доимо унга тўлсин, чорвамиз қўпайсин ва оиласиз мисоли қўрғошиндай мустаҳкам бўлишида Ҳазрати Хизр алайҳиссалом қўллаб-қувватласин, деган ниятда ушбу ашёларни зиёратгоҳга олиб келганлар⁶⁴. Биз бунда, аввало, Ҳазрати Хизрни барака улашувчилик хусусия-ти ва унга бўлган ишончнинг гувоҳи бўламиз. Шу сабабдан ҳам В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс ва М.И. Афзалов Хизр образи ислом динига қадар яратилган, у меҳнат ахли ижодий изланишининг узоқдавр мобайнидаги маҳсули бўлган, деган фикрни баён этган-лар. Демак, Хизр образининг ислом динига алоқаси йўқ, у ислом шаклланишидан анча олдин вужудга келган. Хизр образининг генетик асослари, айниқса, дехқончилик асослари ва ҳосилдорлик қультлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Қолаверса, биз юқоридаги мисоллардан мулоқотли магияни, яъни ушбу ашёлар орқали келгуси йилда етиштириладиган ҳосилнинг баракали бўлишига эришишнинг ўзига хос афсунгарлик усулларини кўришимиз мумкин.

Дехқончилик билан боғлиқ анъаналар ва маросимлар тизимида ёзги, айниқса, буғдой ўрими билан боғлиқ маросимлар ўзига хос удумларга бойлиги ҳамда қўплаб қадимий эътиқодларга даҳлдор ҳодда ўтказилиши билан фарқланиб турган. Айнан мазкур даврда ўтказилган маросимлардан бири «хайри худойи»

⁶⁴ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллӣ кутубхонаси, 2007. -Б.88

бўлиб, у ўрим бошланишидан олдин ўтказилган. Хайри худойи одатининг илдизлари узоқ замонларга бориб тақалади. У Аллоҳ йўлида қилингандан хайр-эҳсон бўлиб, худо йўли, хатми Куръон, дуою фотиҳа, қон чиқариш, курбонлик деб ҳам аталган. Таниқли элшунос Э.Б. Тайлор хайри худойи маросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсониятнинг илк, энг қуий босқич тараққиётига хос деб ҳисоблайди. Умуман, курбонликлар қилиш диннинг энг илк шаклларидан то замонавий, жаҳон динларигача хос одатлардан биридир⁶⁵. Масалан, қадимги Шу-мерда хўкиз, сигир, қўи каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қушлар ҳам сўйилган, егулик неъматларидан ҳам тангриларга эҳсон этилган. Дехқонлар томонидан ҳосилни йифиб олишдан аввал хайри худойи қилиш уни безиён йиғиштириб олиш мақсадида ёвуз руҳлар, инсу-жинслар хуружининг олдини олишга қаратилган бўлса керак.

Фарғона вилояти Сўх туманида яшовчи тожикларда ёмғир чақиришга қаратилган маҳсус маросим «таришқўнок» деб аталган. Унга кўра узоқ вакт ёғингарчилик бўлмаса, қишлоқ эркаклари ярим яланғоч ҳолда қўчага чиққанлар ва бир бирларининг устидан сув қуйганлар ҳамда бирор кишини (кўпроқ қишлоқ имомини ёки муллани) ариққа ташлаб юборганлар. Шу кунлари қипшоқ эркаклари ўzlари хоҳлаган хонадонга меҳмонга киришган. Хонадонларда эса улар фақат шу маросимдагина пишириладиган «кашки чавари» деб номланган чалпак билан меҳмон қилинган⁶⁶.

Биз ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ қараш-лар ва маросимларни ўрганаар эканмиз, ер, дон ва нонга бўлган ўзига хос хурмат-эҳтиромнинг турли-туман удумлар ва маросим-ларда ҳозиргача сакланиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Фарғона водийси ўзбеклари орасидаги

⁶⁵Дунёдага кўплаб халқлардага курбонлик маросими борасида батафсилроқ қаранг: Токарев С.П. О жертовприношениях // Природа. - 1983. - № 10. - С. 32.

⁶⁶ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. -Б.91

халқона қараңға күра, буғдой, олма, қовун, анжир ва райхон дастлаб жаннатда ўсган. Шу боис ушбу ўсимликлар ва мевалар доимо эъзозлаб келинганд, айниқса, халқ орасида ерга буғдой сепиш энг хайрли амаллардан бири саналған ва шу сабабга күра буғдой экилған майдонларни оёқости қилиш, уни босиш гуноҳ ҳисобланади.

Хулоса тарзида айтадиган бўлсак, ўзбек халқи анъанавий дехқончилик машғулоти билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда кўплаб архаик кўринишлар ва магик хатти-ҳаракатлар сақланиб қолган. Шунингдек, дехқончилик урф-одатларида ўлиб қайта тирилувчи табиат культи излари, гарчи қолдикий кўриниш тарзида бўлса-да, етиб келганини ва аксарият ҳолларда исломий қараашлар билан ўзаро синкretик тарзда амалга оширилишини кузатдик.

Умуман олганда, қадимий диний-мифологик тасаввурлар асосидаги дехқончилик расм-руsumлари ва урф-одатларидан кўзланган асосий мақсад баракали мўл-кўл ҳосил етиштириш ва уни нес-нобуд қиласдан йиғиб олишга қаратилган. Шубҳасиз, бу борада машхур этнограф Г.П. Снесаревнинг "ҳосилдорлик культи ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар тараққиёти билан ҳамоҳанг ривожланиб мураккаблашиб борган. Кейинчалик дунёвий динларнинг ажralmas кисмига айланган диннинг қадимий мустақил, универсал шакли"⁶⁷- деган хulosасини бизнинг дала материалларимиз ҳам тўла-тўкис тасдиқлади.

2.3.Хунармандчилик билан боғлиқ удумлар

Инсон кулолчилик билан неолит давридан шуғулланган. Кулолчилик билан дастлаб аёллар шуғулланган бўлиб, кулолчилик чархининг пайдо бўлиши билан эркаклар ҳам бу ишга жалб қилинганд.

Кулолчиликнинг бир тури сифатида тандирчилик хунармандчилигининг ҳам тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Тандирга нонни ёпиб пишириш

⁶⁷Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма . - С. 186-188, 262-264.

Ўрта Осиё халқларининг азалий одати бўлиб, то шу кунга қадар шаҳар ва қишлоқларимизда ҳовли уй-жойда яшовчи аҳолининг уйларини тандирсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳеч қайси юртнинг нони бизнинг тандирда пиширилган нончалик таъм бера олмайди. Айнан шунинг учун бўлса керак аждодларимиз тандирни ихтиро қилишган. Тандирдан узилган ноннинг ҳиди ва таъмидек ёқимли нарсани топиб бўлмаса керак. Тандирда пиширилган нонни истеъмол қилиш биз учун шунчалик оддий ҳолатга айланганки, ҳатто тандирнинг ўзи нима, у қандай йўл ва усувлар билан ясалади, уни кимлар ясади деган саволлар ҳақида ўйлаб кўрмаган ва билмаган одамлар ҳам кўпчиликни ташкил қиласди. Шу сабабли тандирнинг ясалиши, унинг турлари ва тандирчилик хунарманчилиги хусусида сўз юритишга жазм қилдим. Тандирчилик хунармандчилиги касб сифатида тандирнинг ўзи билан тенгдош десак хато қилмаган бўламиз.

Тандир хусусида сўз юритишдан олдин, аввало, тандирчилик хунармандчилиги хусусида тўхталиб ўтиш жоиз бўлади. Бу касб бошка хунармандчилик касбларига нисбатан бирмунча оғир ва машаққатлироқдир. Шунинг учун ҳам тандирчилик касби аждоддан авлодга ўтиб келган. Тандирчилик касбини, хунармандчилигини эгаллашга қизиққанларни ҳам уста тандирчилар ўзларига шогирд қилиб олиб, бу хунарни ўргатишган.

Тандирчиликнинг Фарғона водийси, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятларида турлари муқаддам бир-бири билан кескин фарқ қилган. Фарғона водийсида тандир усталар томонидан маҳсус лой қоришимаси ва асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ер юзасида ясалга бўлса, мамлакатимизнинг жануби – Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жizzах, Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятларида эса маҳсус қолиплардан фойдаланиб тандир ясаш усувлари ҳам мавжуд бўлган⁶⁸.

⁶⁸ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Т.: Ўқитувчи. 2003.-Б.196-197.

Аввало, тандир ясаш учун фойдаланиладиган тупроқ хусусида сўз юритсак. Тандир ясаш учун ҳар қандай тупроқ ҳам мос келавермайди. Дастребайтиб ўтганимиздек, тандирчилик кулолчиликнинг бир йўналиши бўлиб, тандирчилик учун ҳам кулолчиликда фойдаланиладиган маҳсус тупроқ лозим бўлади. Бундай тупроқни Республикализнинг барча вилоятларидан ҳам топса бўлади. Тандир ясаш учун тандирчилар асосан, Риштон туманидаги маҳсус тупроқдан фойдаланишади. Бу тупроқ бошқа тупроқларга нисбатан ўзининг сариқ-қизғимтир ранги ва ўта ширалилиги билан ажралиб туради. Бу тупроқдан барча ҳунарманд кулол усталар сопол буюм ва идиш-товоқлар ишлаб чиқаришда кенгроқ фойдаланишади. Қора тупроқни топиш осон бўлиб, ерни юзасидан 0,5-1 метр ёки ундан чуқурроқ ковлаб олиб ташланса, тандирчиликда фойдаланса бўладиган қора тупроқ чиқади. Ҳозирги пайтда шу тупроқдан фойдаланган ҳолда тандир ясовчи усталар ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Тандир учун ишлатиладиган тупроқ умумий бўлиб, у тупроқдан ҳамда қурилиш учун ғишт ишлаб чиқаришда ҳам кенг фойдаланилади. Бу тупроқ ширали бўлганлиги учун сувда секин эрийди. Шу сабабли, дастребайтиб, тандир учун етарлича тупроқ ажартиб олингач, унга сув қуйиб шимдириб қўйилади. Икки-тўрт (2-4) соатдан сўнг кетмон билан чопилиб, яна сув шимдирилади. Яна 1-2 соат ўтгандан сўнг лой қоришга киришиш мимкин. Ушбу тупроқ секин ивиганлиги сабабли тандирчилар кўпроқ тупроқни ивитиш учун ўралардан фойдаланишади. Тупроқнинг ивимай қолиши ёки кесак ҳолида қолиб кетиши тандирнинг сифатсиз бўлиши, ишлатиш муддатининг қисқаришига олиб келади. Шу сабабли тандирчилар тупроқни яхшилаб ивитишга ҳаракат қилишади⁶⁹.

Бундан ташқари, тандир лойига қизил тупроқ (рўша, буравик; янги йрни пармалаш, қазишиш ишларида фойдаланиладиган тупроқ), яшил тупроқ – халқ тилида бу “тилват” ҳам қўшилди⁷⁰. Бу иккала – қизил ва яшил тупроқ ўта

⁶⁹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда, Риштон, Ёзёвон туманлари.

⁷⁰ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда, Риштон туманлари.

ширали бўлиб, тандир тупроғининг ширалилигини оширади, ёриувчанлилигини камайтиради, намлилигини узоқроқ муддат сақланишига ёрдам беради. Тупроқ ҳақида етарли маълумотларни бердим деб ҳисоблайман.

ЛОЙ (қоришма). Бу лой “тандир лой” деб аталади. Тандир лой тайёрлаш учун ивитилган тупроққа похол, қўй жуни, каноп аралаштирилиб, оёқларда тепиб, яъни эзгилаб уларни қориштириш зарур бўлади. Тандир лойини тайёрлаш учун қўй жуни, каноп ёки похолдан бирини араласгтириш кифоя қиласди. Тандирнинг чидамлилигини, мустаҳкамлигини ошириш учун қўй юнги энг афзали ҳисобланади, бироқ у тандирнинг таннархини ошишига сабаб бўлади. Чунки қўй юнгини етарли даражада топпиш мушқуллик туғдиради, қолаверса жун қиммат туради. Каноп ҳам худди шундай. Энг арzon ва осон топиладиган нарса похол, яъни шолининг пояси ҳисобланади. Лойга аралаштириладиган юк (тандирчилар тилида лойга аралаштириладиган жун, каноп, похолнинг миқдори) етарли даражада бўлса, тандирни ясаш осон бўлади. Агарда лойни юки кам бўлса, тандирни ясаш усталарга қийинчилик туғдиради ва тандир мўртрок бўлиб қолади. Юкнинг ҳаддан ортиқ кўп қўшиб юборилиши эса тандирнинг чидамлилигини камайтиради. Энди юкларнинг афзалликлари нимадан иборат деган саволга жавоб берсак.

Қўй юнги жуда ҳам майдатолалардан иборат бўлганлиги сабабли лойда камроқ ҳажмни эгаллайди, тандирнинг мустаҳкамлигини ва уни узоқ муддат фойдаланишини ёки хизмат қилишини таъминлайди. Буни билган новвойлар ва хонадон сохибларининг кўпчилиги қўй, эчки юнгини усталарга олиб келиб бериб, лойни шундан қориб ясад беришини илтимос қилиб буюртма беришади. Лойга қориладиган юнг толаси қанчалик қалин ва дағал бўлса, тандирнинг чидамлилиги ва фойдаланиш муддати шунчалик қисқариб боради. шу сабабли тандирчи усталар охирги пайтларда похолни майдалаш ва ғодришлигини камайтириш мақсадида уни ёйиб, устига сув сепиб қўйиб, уни янчиб, сўнгра лойга қоришни йўлга қўйишаган. Лойни тайёрлаш учун ивитиб

кўйилган тупроқ уюлмаси кетмон ёрдамида чопиб ёнига олиниб (4-10 кетмондан) унга юк қўшилиб, оёқ билан тепиб эзғиланади. Лойнинг ҳажми, яъни қўп озлиги устанинг нечта тандир ясамоқчи эканлигига қараб аниқланади. Битта уста ёки усталар гурӯҳи биттадан 30-40 тагача тандир ясами мумкин. Демак, лой ҳам шунга мос равишда тайёрланади. Лой 1-марта олинганда унга юк, яъни сомон, юнг, каноп аралаштириб олинади. Шундан сўнг лой 2-марта кетмон ёрдамида 2-жойга олиниб яхшила б тегилади. Бунда ҳам лой қисмларга бўлиниб, 6-10 кетмондан олиб тегилгач, лой устига ташлаб яна тегилади. Оддий хўжаликлар учун тандир ясаш учун лойни 2 марта олиш кифоя қиласи, бироқ лойни 3-4 марта тегиладиган бўлса, юк лойга яхши аралашиб тандирнинг сифати ва чидамлилиги ошади. Шундан сўнг лой 2 соатдан 1 сутка гача тиндириб қўйилади. Лой қанча қўп тиндирилса, шунга қараб унинг сифати яхшиланади.

ТАНДИР ТУРЛАРИ: Уй тандири ҳар хил катта-кичикликда бўлади. Кичикроқ хўжаликлар ўзига мос кичикроқ тандирни, катта хўжаликлар каттароқ тандирни ўз хўжаликлирига қуришади. Уларнинг энг каттаси “нимча тандир” деб номланади. Уй тандирлари “бир пеш” ҳамда “икки пеш” тандирлардан иборат бўлади. Тандирнинг нимчадан ҳам каттароғи “2,5 пеш” деб номланади. Ҳоввойлар ишлатадиган тандирлар эса 3 пешдан иборат бўлади. Бундан ташқари, сомса ёпиш учун алоҳида “сомса тандир”лар ясалади. Тандирган ун ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун хум ҳам тайёрласа бўлади. Хумга солинган ун узоқ вақт сифатини сақлаган ҳолда сақланади.

Тандирни ясаш усуслари ҳам турлича. Юқорида баён қилганимиздек, илгари тандир ясаш учун тандирга ўхшатиб маҳсус ясалган қолиплардан ҳам фойдаланилган. Жумладан, қанор қопга сомон тўлдирилиб, қорилган тандир лойни унинг устига суваб чиқилган ёки тупроқдан ясакган қолипни устига лой суваб ясалган. Бунда тандирни ясаш қийинчилик туғдиради. Бунда битта уста бир кунда фақат битта тандир ясами имконига эга.

Тандир лой тиндирилгач у гувалакларга бўлиниб тепилиб, бир хил диаметрда узун ғоласимон ҳолга келтирилиб, телис ва қуруқ жойга қўйилиб, оёқ билан ёзиб, тахтасимон ҳолатга келтирилади. Бу тахта “пеш” деб номланади. Бир пешдан иборат тандирларга ёйиладиган тахта тандирнинг катта-кичиклигига қараб энли қилиб ёзилади. 2 пешдан иборат тандирларга дастлаб таглик пеш тўғри ҳолда ёзилиб тахта ҳолига келтирилади. Бу тахта – пеш қотгач, кўтариб тикланганда тик турадиган ҳолда қотиб етилгач, 3-4 киши ёрдамида кўтарилиб доира шаклига келтирилади. Шундан кейин тандирчининг асбоб-ускунаси, яъни “товоронча” ва “ғундақ”дан фойдаланиб пеш дастлаб “ҳом товоронча”, яъни тишли товорончада уриб чиқилади. Бунда тандирни ички томони ғундақ ёрдамида, ички томони эса товоронча ёрдамида уриб чиқилади. Пеш 0,5-1 соат савомида қотгач товоронча доф товоронча, яъни тиҳсиз силлиқ товоронча билан алмаштирилиб яна уриб чиқилади. Яна бир нарсани айтиб ўтиш ёдимдан кўтарилибди, тандирчи усталарда “етилди” деган термин кўп ишлатилади. Етилди деган сўз тахта, яъни пеш ёзилгач у маълум миқдорда кўтган, яъни пеш ерда ёзилгандан сўнг маълум вақт ўтиши ва у кўтариб тикланганда ўзининг ҳолатини тутиб турадиган даражада қотганлигини билдиради. Буни усталарнинг ўзи аниқлай олади, холос. Бундан ташқари ҳом товоронча билан урилгандан сўнг пеш бирмунча юмшайди. Доғини уриш учун эса яна маълум вақт яхтанинг қотиши талаб қилинади. Тахтани етилиши учун кетадиган вақт ҳавонинг иссиқ-совуқлигига, тахта ёзилган ернинг қанчалик қуруқлигига, қуёш нури тахтага тушган ёки салқинда турганлигига боғлик бўлади. Пеш кўтарилгач камида 2 марта урилади. “Уриш”, яъни 2 марта уриш бу – биринчиси ҳомини уриш, иккинчиси доғини териш деб номланади⁷¹. Уст пеш ярим ой шаклида тахта қилиб ёзилади. Бунда хисобни шундай олиш қеракки, таг пеш билан уст пеш баравар етилиши, бунда таг пеш доги терилгач, тепасига устки пешни кўтариб миндирганда кўтара оладиган даражада етилиши, уст пеш эса ўз

⁷¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайдада тумани.

ҳолатини тутиб тура оладиган даражада етилишин таъминлаш зарур бўлади. Уст пешнинг ярим ой шаклида ёзилиши тандирнинг оғзи танаси ва таг қисмига нисбатан кичикроқ бўлишига хизмат қиласди. Устки пеш кўтарилигач, яъни таг пешнинг устига миндирилгач иккала пеш орасидаги оралиқ сув билан латта ёрдамида хўлланиб “едирилгач” (тахта, тош, сопол ва б. бир томони қирра ҳолдаги буюмлардан ясалади) ёрдамида едириб, пешлар бир-бирига ямаб бирлаштирилади. Сўнг уст пеш навбати билан, аввал ҳоми кейин доғи терилади. Бунда тандирнинг оғзи бўлган устки пешнинг юқори қисми янада кишрайтирилиб думалоқ шаклга келтирилиб, тандирга “қорин” ва “елка” берилади. Тандирнинг ичкари қисми эса уни “уриш” жараёнида “ғундақ” ёрдамида силлик, текис ҳолатга келтирилади. Ундан кейин тандирнинг сўнги қисми, яъни уни оғзини тайёрлаш қолади. Бу жараён “оғзини тортиш” деб номланади. Бунда уст пеш “етилиши” керак бўлади, яъни оғзи учун узатилган лойни кўтара оладиган даражада қотоши керак бўлади. “оғзини тортиш” шундан иборатки, унда тандирнинг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда маълум миқдордаги лой олиниб тепиб узатилгач, тандирнинг оғзи хўлланиб унга кийдирилади. Сўнг текислаб чиқилгач, лапкаш (тандирнинг оғзини тортишда фойдаланиладиган кигиз ёки қалин матодан тайёрланган мослама) ёрдамида тандирнинг оғзи тортилади. Бунда тандирчи лапкашнинг устига сув бериб, қўли билан лапкашни устидан оғизни қисган ҳолда айланиб унга шакл беради. Оғиз турли хил: тик оғиз, япалоқ оғиз, думалоқ оғиз шаклида бўлади. Уй тандириники кўпроқ тик оғиз, “сомса”, “новвой тандирлар”нинг оғзи кўпинча думалоқ шаклда биълади. Шундан сўнг тандир қуритилади. Уни уриши учун ҳам об-ҳаво шароити таъсир қиласди, яъни ҳавонинг иссиқ-совуқлиги, ҳатто, шамол ва шабаданинг ҳам таъсири билинади⁷². Ёз қунлари қуёшли об-ҳаво шароитида тандир тез қурийди: 6 соатдан 1 суткагача. Куз баҳор ойларида эса тандирни қуриши

⁷² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда, Риштон, Ёзёвон туманлари.

учун уни ичига тўпон, пайраха, хас-ҳашаклар ва ўтиндан фойдаланиб ясалади ва қурилилади.

Бундан 40-50 йиллар илгари тандирлар эшак, от араваларга юкланиб, шаҳар ва қилишлокар айланибсотилган бўлса, кейинчалик трактор, юк автомобиллари, мотороллерлар ва бошқа техникалардан фойдаланиб аҳолига етказиб берилади.

ТАНДИР ҚУРИШ: Юқорида қайд этиб ўтганимдек тандирлар ҳар хил қурилилади. Водийда асосан тандир учун маҳсус тандирхоналар қурилиади. Тандир қуриш учун дастлаб “таглик” ясалади. Бунда “П” шаклидаги тош терилиб ёки битон қуиилиб 80-120 см баландликда ғишт ёки гувала кесакдан фойдаланиб девор урилади. Деворни устига ёғоч ёки темир тўсинлар қўйилиб устига туника қопланиб, “П” шаклидаги девор яна 30-50 см гача қўтарилиб қум билан тўлдирилади. Қум ярим ой шаклида, яъни тандирга мос равища қолипга ўхшатиб тандир унга ётқизилади. Тандирнинг оғзи “П” шаклининг очиқ томонига қаратиб ётқизилади. Сўнг тандирнинг ён томонлар тупроқ билан тўлдирилиб, лапата ёки кетмон сопи ёрдамида тирбандланади. Тандирнинг очиқ қолган тепа қисми сомонли лой билан сувалади. Бунга қадар тандирнинг ички қисмининг 1/3 тупроқ билан тўлдирилади ва ўт ёқилади.

ХУЛОСА

Маълумки, жаҳондаги барча этнослар ўз ҳолича, бошқа этник гурухлар билан алоқага киришмасдан ривожланмаган. Ҳар бир этнос ўз тарихий тараққиёти давомида, албатта, ён-атрофидаги, қолаверса, бошқа ҳудудда истиқомат қилаётган халқлар билан иқтисодий савдо ва маданий алоқаларга киришгандар.

Этносларо бундай муносабатлар муайян бир этномаданий муҳитда, ён-маён яшаётган турли этник бирликларга мансуб халқлар ўртасида юз беради.

Фарғона водийси ҳам қадимдан мана шундай этномулоқот ҳудуди ҳисобланади. Марквзий Осиё хусусан, Фарғона водийси аҳолисининг бундай полиэтник таркиби қадимдан бу жойда этносларо алоқаларни қизғин кечишини таъминлаган.

Биз ўрганаётган водий аҳолиси ўзининг полиэтник хусусиятини сақлаб қолган, турли хўжалик маданий типга мансуб халқлар ўртасида асрлар давомида тараққий этиб келаётган алоқалар анча жадаллашган эди. Бу даврда

Бутун тарихий тараққиётлар давомида ён-маён ёки аралаш яшаб келган турли этник жамоалар ўртасидаги алоқалар турмушнинг барча соҳаларида юз берган. Юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолининг анъанавий хўжалик алоқалари биз кўриб чиқаётган даврда ҳам турли хўжалик-маданий типга мансуб этнослар ўртасида яққол намоён бўлади.

Деҳқончилик билан қадим даврлардан бошлаб шуғулланган ва бу борада бой тажрибага эга бўлган ўтрок ўзбек, тоҷик ва уйғурлар фарғоналиқ қирғиз, қипчоқ, қурама, турк, юз ва қорақалпоқ каби чорвадор халқларнинг ўтроклашуви ҳамда деҳқончиликка ўтишларида катта таъсир кўрсатганлар. Азалий чорвадор аҳоли деҳқончилик билан шуғулланишга ўтар эканлар, ўтрок деҳқон аҳоли таъсирида ўзлари учун одатий бўлмаган экин турларини, чунончи, шоли, пахта ҳамда ҳар хил полиз экинларини етиширишни ўзлаштириб олганлар. Бунда улар ўтрок деҳқон аҳоли томонидан кашф

қилинган экин экиш ва уни парваришлиш билан боғлиқ кўплаб агротехника сирларини ҳам ўрганиб олганлар. Бу худудда яшаб турган чорвадор аҳоли ҳам ўз ўрнида водийлик турғун халқларни чорвачилик хўжалигининг ривожига сезиларли таъсир қўрсатганлар. Фарғоналик қирғиз, қипчоқ, турк, қурама, юз ва қорақалпоқлар билан ўтрок ўзбек, тоҷик ва уйғурларнинг чорвачилик соҳасидаги ўзаро муносабатлари, аниқроғи чорвадор этник жамоаларнинг бу борадаги кўрсатаётган таъсири чорвани боқиши, унинг сонини купайтириш, наслдорлигини яхшилаш ҳамда чорва маҳсулотларини қайта ишлашда намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз кўриб чиқаётган даврда Фарғона водийси аҳолисининг савдо иқтисодий муносабатлари ички савдо алоқалари ҳисобига анча кенгайган эди. Мазкур худудда жойлашган барча этник групҳлар бу даврда водий худудидаги савдо муносабатларида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашаёттан эдилар. Табиийки, улар томонидан бозорга олиб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзларининг турмуш тарзи ва хўжаликларининг йўналишига тўла мос тушар эди.

Таддиқот натижасида аниқ, бўлдики, водийнинг қирғиз, қорақалпоқ, қипчоқ, қурама, турк, юз каби этник жамоаларида «кўчмас», «доимий» турдаги уй-жойлар ўтрок, ўзбек ва тоҷик аҳоли билан бўлган хўжалик маданий алоқалар натижасида вужудга келган. Ўтрок аҳолига хос турдаги уй-жойларни тиклаган қирғиз, турк, юз каби ярим ўтрок аҳоли унинг ички қисмини ҳам айнан ўтрок ўзбек ва тоҷиклар каби жиҳозлашни ўргангандар.

Тадқиқот учун танлаб олинган Фарғона водийсида дехқончилик ва хунармандчилик билан боғлиқ бир қатор маҳаллий хусусиятлар бошқа тарихий этнографик худудлардаги бу каби жараёнлардан фарқланиб туриши мазкур тадқиқот асосида аниқланди. Чунончи:

- а) Фарғона водийси кадимдан полиэтник хусусиятга эга бўлган ва аҳолисининг этник жиҳатдан турли-туманлиги ўрганилаётган даврда ҳам сақланиб қолган эди;
- б) мазкур тарихий этнографик ҳудуд аҳолисининг этник турли-туманлиги ўз ўрнида бу ердаги этнослараро муносабатлар ривожида асосий омил бўлиб хизмат қилган;
- в) Фарғона водийси ҳудудида яшаб турган, хўжалик хусусиятлари, турмуш тарзи, ҳамда бу билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи қатор этник хусусиятлари билан фарқланиб турувчи турғун аҳоли ва ярим ўтрок, ярим кўчманчи этнослар ўртасидаги ўзаро алоқалар ушбу тарихий этнографик ҳудудда кечаётган этномаданий, умуман этнослараро жараёнлар ҳарактерини белгилаб берган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. - Тошкент, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997.
3. Адуллаев У. С. Межэтнические процессы Ферганской долины (XIX-начало XX века).: Автореф...докт. истор. наук. –Т.,2006.
4. Аширов А. А. Древние религиозные верования в традиционном быту узбекского народа (по материалам Ферганской долины).:Автореф...докт. истор. наук.-Т., 2008.
5. Абдулахадов Н. У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята).:Автореф...канд. истор. наук.-Т., 2008.
6. Абдуллаев У. «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар». «Янги аср авлоди», 2005.

- 7.** Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. —Б.27
- 8.** Анорбоев А. Ўзбекистонда илк суғорма дәхқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландштафнинг ташкил топиши // Ўзбекистан худудида дәхқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. — Т., 2006.
- 9.** Басилов В.Н. Божество аграрных культов // Культ святых в исламе. — М., 1970.
- 10.**Батраков В.С. Хозяйственные связи кочевых народов с Россией, Средней Азией и Китаем. Т., 1955
- 11.**Бернштам АН. Древняя Фергана. – Т., 1951.
- 12.**Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида «шоҳ мойлар» ёки «биринчи қўш» удуми // Ўзбекистан худудида дәхқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. Т., 2006.
- 13.**Жабборов И..М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., Фан. 1964.
- 14.**Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти.Т.: Ўқитувчи. 2003.
- 15.**Исоков З. С. Характерные особенности традиционного земледельческого хозяйства Ферганской долины в конце XIX начала XX века (характеристика и анализ хозяйственно-культурных традиций).:Автореф...канд. истор. наук.- Т.,2011.
- 16.**Кароматов X. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи.-Т: 2008.
- 17.**Нарзикулов А. Дәхқон тақвими. — Т.: Мехнат, 1991.
- 18.**Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки, Т., Фан, 1964.

- 19.**Рассудова Р.Я. Земледельческое хозяйство и местные рынки Ферганы XIX в. // Бортольдовский чтения 1976. Год третий. Тезисы докладов и сообщений. – М., 1976.
- 20.**Саримсоков А. А. Календарные обряды узбеков (на основе материалов Ферганской долины).: Автореф... канд. истор. наук. -Т., 2010.
- 21.**Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона кишлоғи. 2013 йил.
- 22.**Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда, Риштон, Ёзёвон туманлари. 2013-2014 йиллар